



ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ



Аллоҳ таолога ҳамду саноларимиз, Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммадга дуруду салаватларимиз бўлсин.

Мустақил Ватанимиз мусулмонлари учун бу йилги рамазон ойи янада файзли, янада баракотли келди. Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигини, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйини шу муборак ойда катта шодоналар билан нишонладик. Ўзбекистонимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги муносиб ўрни, юксак салоҳияти яна бир бор эътироф этилди.

Юртдошларимиз ҳолис ният билан рамазон рўзасини тутишди. Жомеъ масжидларимизда қориларимиз Қуръони каримни хатм қилишди. Моли нисобга етганлар закотларини чиқаришди. Хуллас, мусулмонларимиз Аллоҳ фарз қилган рўзани комил суратда тутиш, ҳақдорларга саховат, меҳр-муруват кўрсатиш билан рамазон ҳайитини муносиб қарши олишяпти.

Таъкидлашимиз керак, рамазон ойининг фазилати биз тасаввур қилганимиздан кўра жуда юксак. Чунки: «**Рамазон одамларга ҳидоят йўлини кўрсатувчи, ҳақ билан ботилни ажратиб берувчи Қуръон нозил қилинган ойдир**» (*Бақара, 185*).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилганлар: «Қиёмат куни бандани тутган рўзаси ва ўқиган Қуръони шафоат қилади. Рўза: “Раббим, мен бу бандангни кундузлари едирмадим-ичирмадим, шу боис мен учун унинг гуноҳларини кечир”, деса, Қуръон: “Раббим, мен уни кечалари ухлатмадим, менинг ҳам шафоатимни қабул этгин”, дейди. Шунда Аллоҳ таоло иккисининг ҳам шафоатини қабул қилиб, бандани дўзахдан озод этади» (*Имом Аҳмад*).

Бу йил республикаимиздаги 570 жомеъ масжидида Қуръони карим хатм қилинди. Қуръонни хатм қилишнинг фазилати беқиёс. Имом-домлаларимиз, қориларимиз, ёши улуг отахонлар Аллоҳ таолодан юртимиз тинчлиги, равнақни, халқимиз фаровонлигини, ёш авлоднинг яхши

одоб-ахлоқли, ватанпарвар инсонлар бўлиб камол топишларини сўраб кўп дуо-илтижолар қилишди. Хатмдан сўнг қилинадиган дуолар ижобат бўлади. Чунки Қуръони карим оятлари орасида Аллоҳ таолонинг Исми Аъзами бор.

Фарз, таровеҳ ва ҳайит намозлари жамоат бўлиб ўқилишининг ҳикмати жуда катта. Жамоат намозининг файзи мўминларнинг бирлиги, аҳиллиги, тенглигидандир. Жамоатдаги мўмин-мусулмонлар бир-бирларини Аллоҳ учун яхши кўришлари, эъвозлашлари керак.

Мусулмонлар ўртасида аҳил-иноқликни мустаҳкамлайдиган сабаблардан яна бири байрамлар. Рамазон ҳайити ҳам умумхалқ байрамидир. Ҳайит хурсандчилик куни, аммо мўминлар зиммасига масъулаёт ҳам юклайди. Ҳайит куни биринчи навбатда

дунёга келишимиз сабабчилари, бизни гўдаклигимиздан тарбиялаб-улғайтирган ота-оналаримизни зиёрат этишимиз, уларни шод қилиб, дуоларини олишимиз керак. Катталарни хурматлаш, кичикларни суюнгириш қанчалар савобли амал. Шунингдек, қариндош-уруғларни бориб кўриш, муҳтожларнинг, беморларнинг ҳолини сўраш, уларга ёрдам қўлини чўзиш мўминлик бурчимиздир.

Шу ўринда бир нарсани эслатиб қўяй: ҳайит куни таъзия билдириб, мусибат кўрган оилаларга бориш байрамга асло ярашмайдиган бидъат амаллардандир. Хурсандчилик, байрам руҳини ғам-қайғу, йиғи-сиғи билан сўндириш мусулмонларга муносиб эмас.

Рамазон ҳайити бутун Ислом оламининг улуг байрами. Аллоҳ таоло бу байрамни барчамизга муборак қилсин. Байрам туғайли мустақил Ватанимиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларда халқимизнинг аҳил-иноқлиги, бирдамлиги, ҳамжихатлиги янада мустаҳкам бўлишини насиб айласин. Омин!

Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,
муфтий



ИЛМ ДУНЁДА ҚУВВАТ, ОХИРАТДА ШАРАФ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

أَقْرَأُ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ

عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَم

«Ўқинг! Парвардигорингиз марҳаматлидир! У қалам билан ёзишни ўргатди. У инсонга билмаганини ўргатди!» (Алақ, 3–5).

فَسْأَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ

«Агар билмасангиз, билгувчилардан сўранг!» (Анбиё, 7).

Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

“Ҳар бир нарсанинг дам олиш фурсати бор. Кимнинг дам олиш фурсати илм билан бўлса, у нажот топади”.

“Олим бўлинг ё илм олувчи бўлинг ёки илмни тингловчи ё севувчи бўлинг! Бешинчиси (яъни, илмнинг душмани) бўлманг, ҳалок бўласиз”.

Яҳё ибн Холид ўғлига бундай деган:

“Илмнинг барча турини ўрган. Инсон билмаган нарсасининг душманидир. Мен сени илмнинг бирор турига душман бўлишингни истамайман”

(“Адабуд дунё вад дин” китобидан).

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Нуриддин ҲОШИМОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулҳамид ТУРСУН
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Исомиддин ОЛИМ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадиий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Саҳифаловчи

Юсуф САБУРОВ

Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи билан Зебунисо
терди.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2009 йил 6 сентябрда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2009 йил 9 сентябрда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 28600. 644-сон буюртма. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилди.

Қўлёмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.
Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Қутлов	
Усмонхон АЛИМОВ	
Ислол оламининг улуг байрами	1
Таянч нуқта	
Илм дунёда қувват, охиратда шараф	2
Байрам	
Муҳаммадамин ХУЖАМБЕРДИЕВ	
Наманганликлар севинчи	5
Одил ХОТАМ	
Истиқлолимиз барқарор бўлсин	5
Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги	
Пойтахтимизнинг юксак мақоми	6
Илм масканларида	
Янги ўқув йили бошланди.....	7
Бугунинг гапи	
2009 йилги умра зиёрати ҳақида фатво	8
Ҳайитингиз муборак!	
Зебунисо ХУСАИН қизи	
Ҳар кунимиз байрам бўлсин	9
Ёмонликдан қайтариш	
Мўминжон ХУЖАЕВ, Ботир БОЛБЕКОВ	
Табиатга тажовуздан сақланайлик	11
Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили	
Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ	
Ҳар бир куннинг вазифаси бор	12
Жалолиддин НУРИДДИНОВ	
Шароитлар яхшиланди	14
Яхшиликка чақириш	
Қурбонали ТУРСУНОВ	
Саодатли ва ганимат дамлар	15
Олисларга саёҳат	
Аҳмад ТУРСУН	
Дания қироллиги	16
ЎМИ ҳаёти	
Уммонлик меҳмонлар	17
«Меҳр нури» жамғармаси ҳиммати	17
Мерос	
Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН	
Ўзбек улуси тарихидан	18
Мовароуннаҳр уламолари	
Салоҳиддин СИДДИҚОВ	
Калом илми дарғаси	24
Журналхон шахоми	
Илём ЮНУСОВ	
Йиллар ўтар	25
Аёллар саҳифаси	
Ҳайит хурсандчилик байрами	26
Болам ёлгон сўзлаяпти	27
Шеърят	
Сулаймон РАҲМОН	
Меҳру оқибатни баланд байроқ қил	28
Яхшиликка чақириш	
Аҳмад МУҲАММАД	
Тарозининг икки палласи	29
Машҳур қорилар	
Алимардон ҲАЙИТОВ	
Ноёб овоз соҳиби	30
Мактубларда манзаралар	
МАҲФУЗА	
Онамнинг тадбири	31
ШАРИФА	
Худо беради	31
Ибрат	
Эркин МАЛИК	
Сўзга эҳтиёт бўлинг	32

Муқовадаги суратлар муаллифи Хайруллоҳ Қудратуллоҳ ўғли (1-,2-саҳифалар), Абдул Жалил Хўжам (3-,4-саҳифалар).

Фикҳ

ЗАКОТГА ТЕГИШЛИ
МАСАЛАЛАР

4

Пулнинг қирқдан бири; қўй-эчкидан қирқ бошдан бир юз йигирма бошгача – битта қўй; ўттиз бош қорамолдан – икки ёшга ўтган бузоқ; беш бош туядан – бир қўй закот берилади. Закотга моллар ўрнига қийматини берса ҳам бўлади. От баҳоланиб, баҳосининг қирқдан бири закот учун берилади.

Саҳобалар ҳаёти

Абдураҳмон РАЪФАТ ПОШО

АБДУРАҲМОН
ИБН АВФ

Бой бўлиши устига қўли очик, сахий одам эди. Молини қизганмас, муҳтожларга ҳамиша ёрдам қилар, сўрашдан уялганларга яшириб кўмак берар эди. Ҳатто бир гал аскарларга беш юз отни миндириб юборган бўлса, бир гал мингта туяни эҳсон қилди.

10

Масала

КИМЛАРГА
ЖАНОЗА НАМОЗИ
ЎҚИЛМАЙДИ?

19

Ислол динидан қайтган (муртад)га жаноза намози ўқилмайди.

Боғийлар (подшоҳга қарши чиққанлар) ва қароқчилар уруш ҳолатида ўлдирилса, уларга жазо ва тақдир маъносида, жаноза намози ўқилмайди.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Бош котиб Хитойга сафар қилади

Сафардан мақсад Шинжон уйғур ўлкасида мусулмонларнинг турмуш шароитларини ўрганиш, июл ойи бошларида минтақада юзага келган кескин вазият, содир этилган зўравонликлар сабабини ойдинлаштиришдир.

21



ЗАКОТГА ТЕГИШЛИ МАСАЛАЛАР

Закот молиявий ибодат, динимиз рукнларидан биридир. Эҳтиёжлари ва қарзидан ортиб, нисобга етган, бир қамарий йил тўлган, кўпаядиган молга эга бўлган озода, балоғатга етган, ақлли мусулмонлар закот беришлари фарздир.

Закот фақат кўпаядиган молдан берилади. Нисоб дегани закот фарз бўлиши учун динимиз тайин қилган миқдордир.

Пул (тилла, кумуш ва улардан ясалган тақинчоқ ва буюмлар); чорва (қўй, эчки, қорамол, туя, от) ва тижорат моллари кўпаядиган мол бўлади.

Сотиш нияти билан ё тижорат молига харид қилинган нарсалар тижорат моли бўлади.

Тижорат ниятида сотиб олинган мол, ишлатишга ният қилинса, тижорат моли бўлмай қолади.

Закот бериш муддати келгач, яъни, мол нисобга етганидан сўнг бир қамарий йил тўлганидан кейин зиммага тушган қарз закотни соқит қилмайди.

Мол нисобга етганидан сўнг камайиб, йил тўлгач, яна нисоб миқдорига етса, закоти берилади. Ўртадаги камайиш ҳисобга олинмайди.

Пулнинг нисобини бизнинг мамлакатда Ўзбекистон мусулмонлари идораси белгилайди. Тилланинг нисоби 20 мисқол (83,60 г); кумушнинг нисоби 200 дирҳам (655,20 г); қўй-эчкининг нисоби 40 бош; қорамолнинг нисоби 30 бош; туянинг нисоби 5 бошдир.



Тижорат молидан, баҳоси пулнинг нисобига етса ё пулга қўшилганида нисобга етса, закот берилади.

Йилнинг кўп қисмида дала-ларда ўтлаб юрадиган от ва чорва моллардангина закот берилади. Уйда боқиладиган (сотиш ниятида харид қилинган ва сотилгунича уйда боқиб турилган моллар бундан мустасно) чорва молларидан, юк ташиш ва миниш учун асраладиган отлардан закот берилмайди.

Молдан закотини ажратаётганида ё ҳақдорга бераётганида закот эканини ният қилиш шарт.

Закоти бериладиган мол (пул, чорва ва тижорат моллари) нисобга етган биринчи кун белгилаб қўйилади ва бир қамарий йил тўлиши билан ундан закот чиқарилади.

Пулнинг қирқдан бири; қўй-эчкидан қирқ бошдан бир юз йигирма бошгача — битта қўй; ўттиз бош қорамолдан — икки ёшга ўтган бузоқ; беш бош туядан — бир қўй закот берилади. Закотга моллар ўрнига қийматини берса ҳам бўлади. От баҳоланиб, баҳосининг қирқдан бири закот учун берилади.

Биров зиммасидаги пул (тижорат моли)дан закот бериш муддати келса, олгач, закот берилади: қарздан ва насияга сотилган тижорат молининг пулидан (нисоб миқдорига етадиган ва бир қамарий йил тўлган бўлса) ҳаммасини олгач, ҳаммасидан ё олинган қисмидан закот берилади.

Тижорат молидан бошқа моллар насияга сотилганида, закот бериш муддати келса ва нисоб миқдорига бўлса, нисоб миқдорига қисмини олгач, закот берилади.

Закот керакли нарсаларидан ошиқча мулкининг баҳоси нисобга (200 дирҳам кумушга)

етмаган кишиларгагина берилади. Закотни кўприк, йўл ва масжид қурилишларига ишлатиб бўлмайди.

Киши закотини ота-онасига (бобо-бувисига), болаларига (невара-чевараларига), хотинига (эрига) бериши мумкин эмас.

Бировнинг зиммасидаги пулни (қарзни) олмай, “бермай қўяқолинг”, деб закотини ният қилса, закот ўрнига ўтмайди.

* * *

Ёмғир, ариқ сувлари билан сугориладиган ердан олинган маҳсулотлардан, тоғдан териб олинган мевалардан, асалдан ушр (ўндан бири) берилади. Бунда сарфланган харажат чиқариб ташланмайди.

Чигир, пақир каби воситалар билан сугориладиган ер маҳсулотларидан йигирмадан бири берилади.

ФИТР САДАҚАСИ

Фитр садақаси ҳам молиявий ибодатдир. Фитр садақасининг вожиб бўлиш вақти рамазон ҳайити кунининг тонгидир.

Фитр садақаси керакли нарсаларидан ортиқча кумуш нисобига (200 дирҳам кумушга) етадиган моли (рамазон ҳайити куни тонгида) бўлган мусулмонларга вожиб бўлади.

Фитр садақасини рамазон ҳайитидан олдин, рамазон ойи ичида берса ҳам бўлади.

Фитр садақасини вақтида бермаса, киши зиммасидан тушмайди, уни рўза ҳайитидан кейин бўлса ҳам бериши лозим.

Фитр садақаси мазкур вақтгача туғилмаган ҳомила учун ва мазкур вақтдан олдин оламдан ўтган киши учун берилмайди.

Фитр садақаси ҳам закот олишга ҳақли кишиларга берилади.

Фитр садақасининг миқдори: буғдойдан икки кило; арпа, хурмо ва майиздан тўрт килодир. Бу нарсалар миқдорининг қийматини бериш ҳам мумкин.

ҚУВОНЧИМИЗ ЖЎШ УРГАН КУНЛАР

Оғир синовлардан ўтиб истиқлолга етишган халқимиз Ватан озодлиги ва шарафи нечоғли юксак эканини чуқур англайди. Зеро, эзгу ишларимиз, ниятларимизнинг ижобати Ватан озодлиги, Ватан равнақи билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги 18 йил ҳам буни тўла-тўқис исботлади. Халқимиз қаддини тиклади, ҳар жабҳада турғилган янги имкониятлардан фойдаланиб, ўзлигини кўрсатди. Юртга тинчлик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик келди, келажакка умид ва ишонч уйғотди. Айниқса, маънавият соҳасига алоҳида эътибор берилаётгани қувонарлидир. Диний-миллий қадриятларимиз аста-секин қаддини тиклаб бораёпти. Ёшларимизнинг илм-маърифат олишлари учун ғамхўрликлар қилиняпти. Динимизни ўрганишга йўллар очилди. Энг зарур диний-маърифий китоблар минглаб нусхада нашр қилинди. Бу китобларнинг кўпи аллома боболаримизнинг бутун Ислому оламига машҳур, динимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган дурдона асарларидир. Улуғ алломаларимиз истиқомат қилган ва дафн этилган жойлар обод қилингани, уларнинг улуғ тўйлари юртимиз ва жаҳон бўйлаб нишонлангани, қадримиз ва шарафимиз ошиб бораётгани ҳам рост. Энг муҳими, аждодларимиз илми ва зақоси, фидойилиги ва мардлиги билан дунё харитасида ўз ўрнига эга юрт яна обод бўлиб, тараққиёт йўлига чиқди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллигини меҳнаткаш халқимиз кўтаринки кайфиятда катта хурсандчилик билан кутиб олди.

Бу йил истиқлол байрами Рамазонга тўғри келгани боис қўшалок тантана, қўшалок хурсандчилик бўлди. Бу баракотли ойда байрам муносабати билан кўпдан-кўп хайр-эҳсонлар қилинди. Кам таъминланган оилаларга ёрдамлар берилди, байрам руҳидан муҳтожларнинг кўнгли кўтарилди.

НАМАНГАНЛИКЛАР СЕВИНЧИ

Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги наманганликларга янада баракали келди. Президентимиз ташаббуси билан Наманган шаҳрини янги



замонавий лойиҳа асосида қайта қуриш, иқтисоди ва маданиятини янада юксалтириш бўйича катта ишлар бошланиб кетди. Самарқандда ишлаб чиқарилган саксондан ортиқ “Исузу” автобуслари байрам арафасида шаҳарликларга хизмат кўрсата бошлади. Мустақилликнинг 18 йиллигига бағишлаб “Ёшлар” спорт мажмуасининг ёзги томоша майдонида, Бобур номли боғда байрам тантаналари, халқ сайиллари бўлиб ўтди. Бу тантаналар наманганликларнинг мамлакатимиз равнақига қўшаётган муносиб ҳиссаси намойишига айланди.

Муҳаммадмин ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
меҳнат фахрийи, Наманган шаҳри

ИСТИҚЛОЛИМИЗ БАРҚАРОР БЎЛСИН

Қадим Карманада бу йилги мустақиллик байрами тантаналари ҳар йилгидан эрта бошланди. Айниқса, кексаю ёшнинг шодон кайфияти, кечётган Рамазони шарифга ҳурмат, қадриятларимизга эъзоз барқ уриб тургани мени хурсанд қилди.

29 август куни рўзадорлар шаҳримизнинг энг қадимий гўшаси Мирсаид Баҳром зиёратгоҳида ёзилган саҳарлик дастурхонига тақдир қилинди. Кундузи эса набирамни елкамга кўтариб, боғда уюштирилган сайилга бордим. Боғдаги миллий амалий санъат асарлари намойиши, халқ ўйинларини кўриб, мен ҳам набирамдан кам ҳайратланмадим. Раҳматли отамнинг 20-йиллар халқ сайиллари ҳақидаги хотиралари эсимга тушиб, кўзимга беихтиёр секин-секин ёшлари келди. Тикланиб, ўзлигини кўрсатаётган юрт, эл иқболининг гувоҳи бўлиш тотли ва ҳаяжонли эди. Боғдаги сўриларда яйраб ўтирган кекса отахон ва онахонлар мустақиллик қадрини биздан кўра яхши билгани боис тинмай эзгу тилаклар билдиришар, дуолар қилишар эди. Мен ҳам шу юртнинг бир фарзанди сифатида Аллоҳ таолодан юртимиз мустақиллиги то қиёмат қадар барқарор бўлишини сўрадим.

Одил ҲОТАМ,
шоир, Кармана тумани

* * *

Ҳар бир гишти, ҳар бир қарич ерида улғу аجدодларимизнинг излари қолган бу хосиятли заминдан номлари бутун Ислому оламида маълуми машҳур бўлган Имом Қафқол Шоший ва Шайх Хованд Таҳур, Хожя Аҳрор Валий ва Ҳофиз Кўҳакий, Шайх Зайниддин бобо ва Иброҳим ота, Қўйлиқ ота каби азиз-авлиёлар, “Шоший”, “Тошкандий” тахаллуси билан илму маърифат, дину диёнат, маданият ривожига улкан ҳисса қўшган юзлаб аллома ва мутафаккир зотлар етишиб чиққан.

* * *

Ватанимизнинг бепойн ҳудудини Тошкентда туриб, худди тоғ чўққисидан қарагандек кузатиш, қиёслаш, тасаввур қилиш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, Худонинг ўзи бу муаззам шаҳарни шундай юксакка кўтариб, унинг мақомини пойтахт бўлишга ҳартомонлама муносиб қилиб яратган, десак муболаға бўлмайди.

* * *

...Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз Тошкент тимсолида Ўзбекистонни, Ўзбекистон тимсолида эса Тошкентни севамиз ва қадраймиз.

Ислому КАРИМОВ

(Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқдан)

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЮКСАК МАҚОМИ

Жонажон пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи мустақиллик байрами тантаналарига қўшилиб кетди. “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида мазкур санага бағишлаб ўтказилган тантанали мажлис иштирокчилари, хорижлик меҳмонлар Тошкент шаънига дил сўзларини изҳор этишди.

Таъкидлаш керак, қадим Шош улкан тарихий йўлни босиб ўтди. Босқинлар, урушлар, низо ва талотўплар ҳам уни тиз чўктира олмади, та-

раққиётдан тўхтатиб қололмади. Милоддан икки юз олдин асос солинган шаҳар бугунги кунда нафақат Марказий Осиё, балки жаҳоннинг энг кўркем, шуҳратли ва маҳобатли пойтахтларидан бирига айланди.

ЮНЕСКО Бош конференцияси 2007 йил 2 ноябрда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Муҳтарам Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилган “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида бажарилган ишлар пойтахтимиз мавқеи ва салоҳиятини янада юксалтирди.

Чиндан ҳам истиқлол йиллари амалга оширилган кенг қўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари туфайли шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Пойтахтимизнинг ҳар бир гўшаси тарихий анъаналар, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий салоҳиятига муносиб тарзда қайта тикланди.

Бугунги Тошкент мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги юксак нуфузи ва обрў-эътиборининг муносиб рамзидир.

Шу боисдан ҳам муҳтарам Юртбошимиз Фармони билан Тошкент шаҳрининг “Мустақиллик” ордени билан мукофотланиши халқимизни жуда қувонтирди.





ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

Шу йил 3 сентябр куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси таълим муассасаларида мустақилликнинг 18 йиллиги, янги ўқув йили бошланишига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.



Тошкент. Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида 3 сентябр куни янги ўқув йили бошланиши муносабати билан мударрислар, талабалар иштирокида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда қатнашган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов йиғилганларни янги ўқув йили, мустақиллигимизнинг 18 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан табриклади. Юртимиз диний ўқув муассасаларида йилдан-йилга таълим бериш шароити ва сифати яхшиланиб бораётганини таъкидлади. Талабалар бу неъматнинг қадрига етишлари зарурлигини уқтирди.

Қадим Тошкентда туғилиб, мусулмон оламига донг таратган олиму уламолар, жумладан, Абу Бакр Қафқол Шошийдек улуғларнинг илмий мероси тикланиши ва дафн этилган жойлари мустақиллик йиллари обод этилганини айтиб, боболаримиз меросини ёшлар чуқур ўрганишлари кераклигини таъкидлади. Илм даргоҳида қарийб 30 йил ишлаган устоз Саиднаби Саидкаримов совет даврида, айниқса, диний илм олиш оғир бўлгани ҳақида хотираларини

сўзлади. Талаба Маъруф Нишонбоев тенгдошлари номидан талабаларга яратилаётган шароитлардан хурсандлигини изҳор қилди.

Тадбир қатнашчилари институтда янги ташкил этилган “Маънавият ва маърифат” хонаси билан танишишди.

Даврон АБДУРАҲИМОВ

Наманган. “Мулла Қирғиз” Ислом ўрта-махсус билим юртида мустақилликнинг 18 йиллигига ҳамда янги ўқув йили очилишига бағишланган тадбир Куръони карим тиловати билан бошланди.

Сўнг ЎМИ раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг диний таълим муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилари, ишчи-ҳодимлари ва талабаларига юборган байрам табриги ўқиб эшиттирилди. Ўқитувчи Муҳаммадхон Бадриддинов “Мустақиллик улугъ неъмат” мавзуида маъруза қилди.

Билим юртида сабоқлар Мустақиллик дарси билан бошланди.

Абдулазиз БОБОМИРЗАЕВ

Китоб. 3 сентябр куни Хожа Бухорий номидаги Ислом ўрта-махсус билим юрти ҳовлиси тонгданоқ гавжум бўлди. Бу ерга йиғилган талаба ва уларнинг ота-оналарини билим юрти мудир Раҳматуллоҳ Усмонов мустақиллик байрами, янги ўқув йили билан қутлади.

Мудир ўринбосари Ўткир Маҳмудов эса ўтган йили билим юрти жамоаси эришган ютуқлар, янги ўқув йили режалари тўғрисида гапирди.

Йиғилиш сўнгида ота-оналар фарзандларининг ўқиш ва ишларига омадлар тилашди, Аллоҳ таолодан Ватанимиз тинчлигини, динимиз равнақини сўраб, дуолар қилишди.

Ўткир ФУЗОРОВ

Нукус. 3 сентябр куни “Муҳаммад ал-Беруний” Ислом ўрта-махсус билим юртида ҳам мударрис ва талабалар, ЎМИнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакиллиги ходимлари иштирокида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси мадҳияси билан очилди. Сўнг ЎМИнинг Қорақалпоғистон бўйича вакили Қидирнияз Алимбетов талабаларни, мударрисларни мустақиллик байрами ва янги ўқув йили билан қутлади. Билим юрти мудир ўринбосари Абдиқарим Латипов, мударрислардан Шамсуддин Баваддинов, Давлетбой Алимбетов, талабалардан Айдос Якубов ва Абдимўмин Содиковлар яхши тилақларини изҳор қилишди.

Ислом ЭЛМУРОДОВ

Урганч. “Фахриддин ар-Розий” Ислом ўрта-махсус билим юрти мударрис ва талабалари ҳам янги ўқув йилини кўтаринки руҳда бошлашди. Билимга чанқоқ 85 нафар талабанинг қарийб ҳаммаси умумтаълим ва махсус фан дарсликлари ва қўлланмалар билан таъминланди.

Ёрдамга муҳтож 3 нафар талабага билим юрти маъмурияти моддий кўмак берди, ўқув қуролилари совға қилди.

Музаффар АВЕЗОВ



Ўзбекистон мусулмонлари идораси

2009 ЙИЛГИ УМРА ЗИЁРАТИ ҲАҚИДА

Ф А Т В О

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين ، والعاقبة للمتقين ، والصلاة والسلام
على رسوله الامين ، وعلى آله واصحابه الاجمعين ، اما بعد ...

Ханафий мазҳабимизда ақли, балоғатга етган, озод ва йўлга қодир мусулмонларга ҳаж фарз, умра суннат бўлади. “Йўлга қодир бўлиш”га зоҳир ривоятда, соғ бўлиш, озиқ-овқат ва йўл харажатларига эга бўлиш, деб таъриф берилган.

Демак, соғ-саломат, зарур озиқ-овқат ҳамда йўл харажатларига етарли маблағи бўлган кишиларгагина ҳаж фарз, умра суннат бўлади.

Агар ҳаж сафари йўлида ё муборак заминда киши саломатлигига хавfli юқумли касалликлар тарқалгани ёки шунга ўхшаш ҳодисалар юзага келиши аниқ бўлса, бу вақтда:

دَرْءُ الْمَفَاسِدِ مُقَدَّمٌ عَلَى جَلْبِ الْمَصَالِحِ

“Зарарни кетказиш фойдага эришишдан олдинга қўйилади”, деган фикрлий қоидага қатъий амал қилиш лозим бўлади.

Шу кунларда дунёнинг турли мамлакатларида А/Н₁Н₁ (чўчка гриппи) вируси тарқалгани маълум. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатаётган маълумотларга кўра, мазкур грипп Шимолий ва Жанубий Америка, Оврупа, Австралия ҳамда Осиёдаги 150 дан ортиқ мамлакатларда тарқалгани аниқланган. Мазкур касалликка чалинган беморлар сони 200 мингдан ортиқ бўлиб, улар орасида ўлим ҳолатлари қайд этилмоқда.

Янги грипп бўйича юзага келган вазиятни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунё бўйлаб кенг тарқалган касаллик сифатида “пандемия” деб эълон қилди. Бугунги кунга қадар ушбу касалликка қарши зардоб ишлаб чиқилиб, ҳали синовдан ўтказилгани маълум эмас.

Мазкур офат кўплаб Ислом ва араб мамлакатларида, чунончи, Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара шаҳарлари жойлашган Саудия Арабистонида ҳам тарқалгани эълон қилинмоқда. Жумладан, ҳозирга қадар Саудия Арабистонида 600 дан ортиқ кишининг ушбу касаллик билан оғригани аниқланган ва улардан ўнга яқини вафот этгани қайд қилинган. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, Саудия ҳукумати бу йилги ҳаж ва умрага борувчилар сонини чеклашга, улар-

нинг саломатлиги бўйича қўйиладиган талабларни кучайтиришга қарор қилди.

Ислом дини барча мусулмонларни ўз имонлари, моллари, жонлари, обрў-эътиборлари ва ор-номусларини сақлашга чорлайди. Аллоҳ таоло амр қилиб айтади:

... وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا (سورة النساء/29)

“...Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни ноҳақ) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир” (Нисо, 29).

Кўплаб ҳадиси шарифларда инсон ўзини турли юқумли касалликлардан эҳтиёт қилиши, улардан сақланиши зарурлиги таъкидланади. Имом Муслим (раҳматуллоҳи алайҳ) ривоят қилган ҳадис:

“ إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِرَجُلٍ مَجْرُومٍ
جَاءَ يَبِيعُهُ : إِرْجِعْ قَدْ بَايَعْتِكَ ” (رواه مسلم)

«Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) байъат қилиш учун келган моховга: “Ортга қайтавер! Байъатингни қабул этдим”, деб марҳамат қилганлар».

Ислом таълимоти кўпчиликка зарар етиши мумкин бўлган шароитларда касаллик тарқатувчи микробларни юқтирган кишиларнинг соғ одамларга, шунингдек, соғ-саломат кишиларнинг бетоб кишиларга билвосита ёки бевосита аралашмаслигини тавсия қилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“ إِذَا سَمِعْتُمْ بِالطَّاعُونَ بَارِضٍ فَلَا تَدْخُلُوهَا ، وَإِذَا وَقَعَ بَارِضٍ
وَأَنْتُمْ بِهَا فَلَا تَخْرُجُوا مِنْهَا ” (رواه البخارى)

“Бирор жойда вабо тарқалганини эшитсангиз, у ерга кирмангиз ва бирор жойда турганингизда вабо бошланганини эшитсангиз, у ердан чиқиб кетмангиз” (Имом Бухорий), деганлар. Мазкур ҳадиси шариф юқумли касаллик тарқалган ерга кирмаслик ва у ердан чиқиб кетмаслик зарурлигига далолат қилади.

Шунинг учун ҳам динимиз кишиларни йўлларга, одамлар тўпланадиган жойларга тупуришдан, сув ҳавзаларига ахлат ташлашдан, дуч келган жойларда ҳожат чиқаришдан қайтаради ҳамда зарарли ҳашаротларни йўқотишга буюради.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси мусулмонларнинг диний ҳаётларида ҳолис хизмат қилишдек улуғ масъулиятдан келиб чиққан ҳолда, жаҳондаги турли мамлакатлар қатори Саудия Арабистонида ҳам эпидемик вазият мураккабланиши, янги А/Н₁Н₁ гриппининг четдан республикамизга кириб келиши хавфи борлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида, диёримизнинг барча мусулмонларига қуйидагиларни маълум қилади:

1. Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳаж ва умрага масъул идораларининг бу йилги ҳаж ва умрани вақтинча чеклаш ҳақидаги қарорини инобатга олиб ва диёримиз мусулмонларининг сиҳат-саломатлигини сақлаш мақсадида мил. 2009, ҳижрий 1430 сананинг Рамазон ойида умра ибодати учун қилинадиган сафарни тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқ.

2. Аввал рўйхатга олинган барча зиёратчиларимиз келгуси Рамазон ойида умра сафарига боришлари қатъий белгилаб қўйилди.

3. Кейинги йили бўладиган ҳаж ва умра сафари ҳақида мавсум бошланиши олдида, ҳожилар соғлигини сақлаш бўйича барча зарур чора-тадбирлар кўрилганидан кейин алоҳида хабар қилинади.

4. Ўзбекистон мусулмонлари идораси диёримиздаги барча мусулмонларни дунёда юзага келган жиддий вазиятни тўғри тушунган ҳолда сабр-тоқатли бўлишга, Аллоҳ таолодан жаҳон оммаси бошига келган бу офатни тезроқ кўтаришини сўраб дуо-илтижо қилишга чақиради.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
Усмонхон АЛИМОВ
2009 йил 10 август

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ясрибга келганларида ансорларнинг ўйинкулги қиладиган икки кун бор эди. Пайғамбаримиз бу икки кун ҳақида сўрадилар. “У кунлари биз жоҳилият даврида ўйинкулги қилардик”, дейишди улар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло у иккисини сизлар учун энг яхши кунлар – Фитр ва Қурбон кунларига алмаштирди”, дедилар.

Рамазон ва Қурбон ҳайитини халқимиз дунё халқлари қаторида шодёна, хурсандчилик кунлари сифатида байрам қилади.

ҲАР КУНИМИЗ БАЙРАМ БЎЛСИН

Байрамларга шодлик, хурсандчилик ярашади. Байрам кунлари халқнинг маънавий камолоти, одоб-ахлоқи намоён бўлади. Шунга кўра, ота-оналарни эъзозлаш, қариндош-уруғларни, ёр-дўстларни, устозларни, кексаларни зиёрат қилиб, дуоларини олишга чоғланайлик. Ҳайит кунлари ёшларга раҳм-шафқат кўрсатиш, бемор ва ногиронлар ҳолини сўраш, ёрдам бериш, бевалар, етимлар, қўли калталарга саховат қилиш, кўшничилик ҳаққини адо этиб, барча-барчага меҳр улашиш мусулмонларга ярашиқли, савоби улуғ ишлардир.

Бойлиги нисобга етганлар учун рамазон ойи ва ҳайит кунлари қулай фурсат. Фитр садақаларини ва закотларини бериб, ҳақдорларнинг кўнгилларини кўтаришади.

Ҳазрати Алидан (розийаллоҳу анҳу): «Сиз доимо ҳикматли гапирасиз. Ўзингиздан ҳам ҳикматлироқ сўзлайдиган бирор кимсани учратганмисиз?» деб сўрашди. Ҳазрати Али (рози-йаллоҳу анҳу) бундай жавоб бердилар: «Ҳа, у бир насоро олими. “Байрамингиз қачон?”

деб сўраганимда, у: “Гуноҳ қилмаганим ҳар бир кун мен учун байрам”, деган эди».

Ҳар кунимизни байрам қилиш ўзимизга боғлиқ. Хато ва гуноҳдан тийилган, эзгу ишларга берилган кунларимиз байрамдир, аслида.

Яқинлари вафот этган хонадонларга бориб, ҳайит кун таъзияхонлик қилиш бидъат ишлардандир. Ўзбекистон мусулмонлари идораси бундай қилишдан қайтариб, фатво чиқарганини унутмайлик.

Ҳайит гуноҳлардан фориг бўлиш эвазига бериладиган мукофот, яъни, поклик улуғла-

надиган кун. Агар биз гуноҳ қилишдан сақлансак, олаётган нафасларимиз шукрини адо этолсак, ҳар кунимиз байрам. Жонимизни шайтон найрангларидан қутқарган дамларимиз байрам. Раҳматли шоиримиз Аъзам Ўктам айтади:

*Не бўлар яшашни сал
осон қилсанг —
Қил сиғмаган кўнглинг
шуълага тўлсин.
Ҳар намоз орасин
рамазон билсанг,
Бир кунда беш ҳайит
муборак бўлсин!*

Ҳар кунимиз байрамдек ўтсин. Рамазон ҳайити барчамизга қутлуғ бўлсин!

Зебунисо ҲУСАЙН қизи



Абдурахмон РАЪФАТ ПОШО

АБДУРАҲҲМОН ИБН АВФ



Абдурахмон ибн Авф (розийаллоху анху) тириклигидаёқ жаннат башорати берилган ўн саҳобийнинг бири.

Умар ибн Хаттоб (розийаллоху анху) етакчи этиб сайланаётганида кенгашининг олти аъзосидан бири Абдурахмон ибн Авф бўлган.

У Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) тириклик пайтларида Мадинада фатво бера оладиганларнинг бири эди.

Унинг исми жоҳилият пайтида “Абдуамр” эди. Мусулмон бўлганида Коинот фаҳри унга “Абдурахмон” деб исм қўйдилар. Шундай қилиб, у “Абдурахмон ибн Авф” номи билан Ислom тарихида машҳур сиймолардан бирига айланди.

Абдурахмон ибн Авф, Абу Бакр Сиддиқдан (розийаллоху анху) икки кун кейин мусулмон бўлган. Бошқа саҳобалар каби унинг бошидан ҳам кўп машаққат ва қийинчиликлар ўтган. Бироқ у ҳам барча синовларга мардона дош бериб, чин имон-этиқод соҳиби эканини тасдиқлади. Бошқа мусулмонлар қатори Ҳабашистонга сафар қилди. Маккадан Яриб (Мадина)га кўчган мусулмонларнинг олдинги сафида Абдурахмон ибн Авф ҳам бор эди.

Мадинада Сарвари олам бошқалар қатори Абдурахмон билан ансорий Саъд ибн Робийни (розийаллоху анху) ака-ука тутинтириб қўйдилар. Шунда Саъд акасига бундай деди:

– Эй ака, мен Мадинадаги энг бой одамман, иккита боғим бор. Боғларимдан хоҳлаганингни танла, қайси бири ёқса, сенга берай...

Абдурахмон унга миннатдорлик билдириб:

– Аллоҳ молинг ва бола-чақанга барака берсин, сен яхшиси менга бозорни кўрсатиб қўй, – деди.

Саъд Абдурахмонга бозорни кўрсатди. Абдурахмон тижоратини бошлаб юборди. У ҳалол савдо қилар, тушган фойдадан уйланиш учун маҳрга пул ажратар эди. Кўп ўтмай у уйланди ва ҳамма ёққа хушбўй атир ҳидини таратиб, Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) олдиларига келди. Расули акрам таажжубланиб сўрадилар:

– Нима бўлди, эй Абдурахмон?

– Уйландим... – деди у ийманибгина.

– Маҳрга нима бердинг? – деб сўрадилар Пайгамбаримиз (алайҳиссалом).

– Данакча келадиган тилла.

– У ҳолда бир қўй сўйиб тўй қил, – дедилар у зот ва ортидан: “Аллоҳ молингни баракали этсин”, деб дуо қилдилар.

Абдурахмон бундай хотирлайди: “Шу дуодан сўнг мол-дунё ортимдан эргашиб юрадиган бўлди. Ҳатто бирор тошни кўтарсам, тагидан албатта ё олтин, ё кумуш топардим”.

Табук юриши чоғида ажойиб бир воқеа содир бўлди, Аллоҳ таоло Абдурахмон ибн Авфни бирор мусулмонга насиб этмаган шарафга эриштирди. Намоз вақти кириб қолди, лекин Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) ҳадеганда келавермадилар. Шунда Абдурахмон ибн Авф қавмга имом бўлиб намозни бошлади. Ҳали биринчи ракат тугамай туриб, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) келиб сафга қўшилдилар ва

ТАБИАТГА ТАЖОВУЗДАН САҚЛАНАЙЛИК

Абдурахмон ибн Авфга иқтидо қилиб намозни адо этдилар. Башарият саййиди, пайғамбарларнинг имоми Муҳаммад ибн Абдуллоҳга (алайҳиссалом) имом бўлиш нақадар шарафли!..

Сарвари олам вафотларидан кейин Абдурахмон ибн Авф у зотнинг покиза хотинлари хизматида бўлди.

Бир гал ўзига қарашли бир ерни қирқ минг динарга сотиб, пулини Расули акрамнинг оналари Омина бинти Ваҳб қабиласига, фақир мусулмонларга, Маккадан Мадинага кўчганларга, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) аёлларига тақсимлаб берди.

Абдурахмон ибн Авф бутун умри давомида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) дуоларининг баракасини ҳис қилиб юрди. У саҳобаларнинг энг бойига, Мадинада энг кўп мулк эгасига айланди. Тижорати тез суръатда кучайиб кетди. Унинг етти юз, саккиз юз туяли карвонлари тинимсиз шаҳарга дон-дун, ун, мой, кийим-кечак, идиш-ашёлар, халққа керакли бошқа молларни етказиб келар, мадналиклардан ортганини бошқа шаҳарларга олиб бориб сотар эди.

Шунча бой бўлиши устига қўли очик, сахий одам эди. Молини қизганмас, муҳтожларга ҳамиша ёрдам қилар, сўрашдан уялганларга яшириб кўмак берар эди. Ҳатто бир гал аскарларга беш юз отни миндириб юборган бўлса, бир гал мингта туяни эҳсон қилиб юборди.

Абдурахмон ибн Авф ўлими яқинлашганини сезиб, қўл остидаги қулларни озод этди. Бойлигининг катта қисмини соғлом эътиқод йўлида фидойилик кўрсатганларга, мўминларнинг оналарига васият қилди. Меросхўрларига ҳам кўп мол-мулк қолдирди. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси Сарвари олам дуоларининг баракотидан эди.

Аммо бунча катта бойлик Абдурахмон ибн Авфни ром қилиб, тузоғига илинтира олмади. Одамлар уни хизматчилари билан бирга кўриб, ким хожаю ким қуллигини ажрата олишмасди.

«Пайғамбар саҳобийлари қиссаси»
китоби асосида
Аҳмад МУҲАММАД
тайёрлади.

Исломи дини табиат, атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор билан қарайди.

Табиатни асраш аслида инсоннинг ўзини англаши, атрофдаги одамларни қадрлашидан бошланади. Бу мавзу оят-ҳадисларда кўп зикр этилган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сафардан қайтаётган саҳобаларга тоза-озода юришларини тарғиб этиб: “Сиз аёлингиз, болаларингиз хузурига қайт-япсиз. Уловларингиз ва либосларингизни тартибли, тоза ҳолда тутинг. Одамлар орасида чиройли хол каби ажралиб туринг. Албатта, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни яхши кўрмайди”, деганлар.

Теварак-атрофни обод, ораста сақлашга чорлаб, бундай марҳамат қилганлар: “Бирор киши мусулмонлар фойдалансин деган ниятда бир ўзи ёки болалари билан бирга ариқ қазиса ёки пул бериб, бошқа кишиларга қазитса, ўша ариқ туфайли ҳосил бўладиган савоб унга ўлимидан кейин ҳам етиб туради” (*Имом Бухорий*).

Исломи дини ҳайвонларга алоҳида меҳрибонлик билан ёндашишга чақиради. Динимизда ҳайвонларни мақсадсиз ўлдириш гуноҳ ҳисобланиб, қатъиян ман қилинади. Чунки Аллоҳ таоло ҳайвонларни инсонлар фойдаланишлари учун яратган. Жониворларни беҳуда ўлдириш илоҳий неъматларга ношукрликдир. Инсонни ўлдириш эса гуноҳларнинг энг катталаридандир.

Ҳайвонларга меҳрибон ва яхши муносабатда бўлиш фа-



қат улардан етадиган манфат билан боғлиқ эмас. Биз мусулмонлар барча ҳайвонот ва ўсимликлар оламига, улардан бир фойда кутилмаса ҳам, яхши муносабатда, меҳр-шафқатли бўлишга буюрилганмиз.

Ҳозирги кунда сув ҳавзаларининг ифлосланиши катта муаммо бўлиб қолди. Дарё, кўл, денгизлар ифлосланиб, кўплаб сув ҳайвонлари ва ўсимликлар йўқолиб кетмоқда.

Сув, ҳаво, тупроқ, ҳайвонот, наботот ҳаммасини — Аллоҳ таоло миқдори билан бир-бирига боғлиқ ҳолда яратган. Боғланиш бузилса, муаммо келиб чиқиши аниқ. Бу қонуниятни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Ёш авлодни атроф-муҳитга, табиатга меҳр-шафқатли ва адолатли бўлишга ўргатиш ота-оналар, маҳалла фаоллари, имом-домлалар, таълим-тарбия муассасалари ходимлари — ҳамма-ҳаммининг бурчидир.

Мўминжон Хўжаев,
Ботир Болбеков,
ЎзМУ магистрантлари

ҲАР БИР КУННИНГ ВАЗИФАСИ БОР

Тошкент вилояти қишлоқларида бўлаётган ободончилик ишлари, масжидларда намозхонларга яратилган шароитлар, имом-хатибларнинг фаолияти билан танишиш ниятида йўлга чиқдик.



Вилоятнинг шимоли-ғарбида жойлашган Чиноз тумани аҳолиси 160 мингга яқин. Саккизта жомеъ масжиди бор. Ҳамроҳимиз туман бош имом-хатиби Хайруллоҳ Ҳафизов йўл-йўлакай қўл остидаги имом-хатиблар бошқа масъуллар билан ҳамкорликда қилаётган ишлар ҳақида гапириб берди. Жумладан, улар “Ёш оила қурувчилар мактаби” дастурига кўра, туман маҳаллаларида бўлишиб, балоғат ёшидагилар билан суҳбатлашишибди, оиланинг ҳуқуқий, маънавий асосларини тушунтиришибди.

Эски Тошкент қишлоғи “Эски Тошкент” жомеъ масжиди ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида очилган, 1991 йили хонақоҳи қайта қурилган. Ўтган йили олд қисми таъмирланиб, қўшимча айвонлар солинди.

Олмазор қўрғонида ҳам шароитлари етарли икки жомеъ ишлаб турибди. Яқин-яқингача бу қўрғоннинг йўллари ноқулай, манзилга қийинчилик би-

лан борилар эди. Ниҳоят, шу йилнинг биринчи ярмида Олмазорни тўғри кесиб йўл тушди, янги кўприк қурилди. Кўприкнинг ўнг томонида Ойдин қишлоғи, чапида Чирчиқ дарёси ирмоғини кўрасиз.

Чиноз шаҳри “Қози маҳалла” жомеъ масжидига 1850 йили асос солинган. Бултур масжид хонақоҳи таъмирланганида қадимий кўринишини сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Хонақоҳ мустаҳкам туриши учун яна еттита темир устун ўрнатилди. Замонавий таҳоратхона ишга тушди. Ҳозир жомеъ ҳовлисини янаям кўркамлаштиришга ҳозирлик кўриляпти.

Яллама қишлоғи аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланади. “Яллама” жомеъ масжиди имом-хатиби Зиёвуддин Нортोजиев ҳам деҳқон-фермер. У бошлиқ фермер хўжалиги давлатга ғалла топшириш режасини ортиғи билан удалабди.



Ҳаво жуда иссиқ, чанқаб “Яллама” масжидида сув ичмоқчи бўлдик. (Сафар қилганимизда рамазон кирмаган эди.) Бизга тutilган зилол сув 170 метр чуқурликдан тортиб олинаркан. Тоза сув масжидга яқин хонадонларга ҳам етказилибди.

Тўп-тўп жийдазорлар ёнидан ўтиб Янгийўл туманига келдик.

Янгийўл шаҳри “Олтинобод” жомеъ масжиди очилганига олтмиш тўрт йил бўляпти, ҳозирги биниси 1979 йили тикланган. Ўтган йили бу масжидда замонавий таҳоратхона ишга тушди. Аммо хонақоҳ ва айвонлари таъмирталаб.

Биз “Олтинобод” жомега кириб борганимизда Янгийўл шаҳри ва тумани бош имом-хатиби Ориф ҳожи Йўлдошев бир гуруҳ намозхонлар билан суҳбатлашиб, “Ҳидоят” журнали ва “Ислому нури” газетининг янги сонларини тарқатаётган экан. Бухоро Мир Араб мадрасаси, сўнг Мароқаш Ислому институтида таҳсил олган Ориф Йўлдошев қарийб қирқ йилдан буён динимизга хизмат қилиб келади. У жума намози олдида “Камтаринлик мўминга хос фазилат” мавзусида маъруза қилди. Намозхонларни яқин қолган рамазон ойи билан, юртимиз мустақиллигининг 18 йиллиги, пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллиги билан табриклади. Шу улуг кун ва ойлар муносабати билан бутун юртимизда ўтказилаётган умумхалқ ҳашарига ҳисса қўшишга даъват этди. Миссионерларнинг ёлғон, ғаразли ваъдаларига учиб, ботил дин ва оқимларга кириб кетганларнинг ёмон оқибатлари ҳақида алоҳида тўхталди.

Жума намозини ўқиганимиздан кейин Янгийўл шаҳар ва қишлоқларини оралдик.

Юртимиз мустақилликка эришгач, 1994 йили эски масжид ўрнида шаҳар марказида — деҳқон





бозори ёнида муҳташам жомеъ ишга тушди. Гумбазлари узокдан кўриниб турган бу “Жомеъ” да бирийўла минг киши намоз ўқий олади. Ҳозир масжид идорасининг қурилиши давом этяпти.

Кейинги йилларда тумандаги “Саййид ибн Зайд” масжиди хонақоҳи кенгайтирилди, “Кескан” масжидида қўшимча хоналар қурилди, “Бердиёр ота” масжиди атрофи девор билан ўраб олинди. Мирзобобоев қишлоғи “Ҳузайфа” жомеида гумбазли дарвозахона тикланди. Халқобод қишлоғи “Халқобод” масжиди хонақоҳи олд қисми, меҳроби, Гулбаҳор қишлоғи “Гулбаҳор” масжиди таҳоратхонаси таъмирланди. Эски қовунчи қишлоғи “Эски қовунчи” масжидининг эса айвонлари созилди. Масжид ёнидаги каттагина шийпонда оталаг чойхонаси, маиший хизмат жойлари ишлаб турибди. Эскиқовунчиликлар шу ерда тез-тез йиғилишиб, тадбирлар ўтказишади, энг муҳим ишларни кенгашишади.

Бекобод шаҳри ва тумани вилоятнинг жануби-ғарбида. Аҳолиси 240 мингга яқин. Шаҳар ўртасидан Сирдарё оқиб ўтади. Шаҳардаги тўрт жоменинг бири “Оқ масжид” 1991 йили очилган. Унда намозхонлар учун барча шароитлар етарли. Бекобод шаҳар бош имом-хатиби Иброҳим Иномов, масжидлар ободлиги мусулмонлар қалбининг ободлиги билан бўлади, дея ҳамкасбларининг ишларидан сўзлаб берди. Ҳар жума куни шаҳар ҳокимиятида имом-хатиблар ҳам энг долзарб ишлар муҳокамасида қатнашишар, маҳалла маслаҳатчилари ва отинойиларга диний масалаларда йўл-йўриқлар беришар экан.

“Қорамозор” жомеида бултур айвон солинди. “Нўъмон ибн Собит” да эса минора тикланди. “Исломобод” жомеида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари кетаётган экан. Бу йил масжидда дарвозахона, айвон, қўшимча намозхона тик-



ланди. Ҳовли ҳам созилди, ўртада фавворали ҳовузча қурилди.

— Қолган ишларни якунлаб, таровеҳ намозларини салқин ҳовлида ўқишни ният қиляпмиз, — дейди масжид имом-хатиби Баҳодиржон Тошматов.

Бекобод туманида Хос, Тақачи қишлоқлари қадимий жойлар. “Бобурнома” муаллифи 1501 йили Хосда бўлганини ёзади. Қачон қурилгани номаълум эски масжид ўрнида 2007 йили уста Аҳмад Омонов шоғирдлари билан муҳташам масжид тиклашга киришди. Ҳозир хонақоҳи битиш арафасида. “Хос” жомеъ масжиди имом-хатиби Валижон Баҳодиров танги, меҳнаткаш, интилувчан, меҳмондўст хосликлар ҳақида гапириб, бизни шу қишлоқлик деҳқон Азизбой аканинг полизига бошлади. Қовунчи акамиз бизни тилими тилни ёрадиган обиновот билан сийлади.

Туманнинг Ҳамза қишлоғида “Ҳазрати Мулла” жомеъ масжиди янги биноси қуриляпти. Хонақоҳ ичида пардозлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолибди.

— Аллоҳ хоҳласа, рамазон ҳайити намозини шу ерда ўқимоқчимиз, — дейди Умидхон тўра Асатов.

Ҳазрати Мулла — Саййид Неъматуллоҳ Мағрибий XI асрда яшаган улуг зот. Ҳамроҳимиз Валижон домла бу зотни йўқлаб келганларга зиёрат одобларини ўргатди.

Жума қишлоғи “Иттифоқ”, Улуғбек қишлоғи “Улуғбек”, Ўзбекистон қишлоғи “Ўзбекистон” жомеларида ҳам айтса арзигулик ишлар қилинибди.

Зафар кўрғони Бекобод ту-


мани дарвозаси. Аҳолиси етмиш мингга яқин. Кўрғондаги “Амир Ҳамза” жомеи шунга яраша кенг, кўркам солинган. Катта хонақоҳида бирийўла икки мингдан ортиқ киши намоз ўқий олади.



Бўка тумани марказидаги “Ўрта кўрғон” жомеи 2005 йил октябрда очилган. Кейинги йиллари ҳовлисида 2000 туп гул ва манзарали дарахт кўчатлари ўстирилди. Масжид тевараги ўралиб, дарвозахона қурилди.

Бўка туманида бу йил йўлларни сошлаш ишига ҳар йилгидан уч барабар кўп — 250 миллион сўм пул сарфланар экан. Созланган йўллардан юриб Бўстон, Равот, Қорақўйли, А ч а м а й л и қишлоқлари жомеларида бўлдик. Далалароша узокдан гумбази ялтираб, бир бино эътиборимизни тартади. Ёнига борсак, “Мустақил Ўзбекистон” қишлоғи “Валийғунд” жомеъ масжиди экан.

Усталар хонақоҳни пардозлашаётган эди. Масжид имом-хатиби Саидахмад Аҳмедов келгусида бошқа керакли хоналар қандай тартиб олиши ҳақида сўзлаб берди. Кун иссиғида ғайрат билан ишлаётган қишлоқ аҳли билан усталар аҳиллигини кўриб, бу жомеъ яқин йилларда шаҳар масжидларидан қолиш-




майдиган қулайликларга эга бўлишига ишонасиз киши.

Пискент туманидаги еттига жомедан бири — “Бекобод” маҳалласидаги марказий масжид биноси анча торлик қилиб қолган. Ўтган йили масжидга янги бино қуриш учун жой ажратилди, пойдевор қўйилди. Усталар бу йил деворларини тиклаб, қолган ишларини битириш ҳаракатида.

Туманда қишлоқ аҳлининг эҳтиёжлари ҳисобга олинган. Култепа қишлоғи “Собирхон ота” жомеи ҳомийлари масжид ҳудудида оёқ кийим тузатиш устахонаси, сартарошхона, дорихона, озиқ-овқат, қурилиш моллари дўкони очиб беришди.


“Сайид Ота” жомеъ масжидида янги таҳоратхона ишга тушириляпти.



Тарихий манбаларда “Бискент” номи билан тилга олинган Пискент вилоятдаги энг қадимий гўшалардан ҳисобланади. Туман ҳудудида кўҳна қалъа қолдиқлари, зиёратгоҳлар бор.

Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллигига, рамазон ойи арафасида туман масжидлари ҳисобидан юзта кам таъминланган оилага озиқ-овқат маҳсулотлари, уй жиҳозлари эҳсон қилинди.

— Ҳар бир куннинг муҳим вазифаси бор. Уни адо этиш бурчимиз. Ҳурлиги-



миз боис тараққиёт йўлига чиққан элимизнинг маънавий тарбияси биз имом-хатибларнинг зиммасидаги шарафли иш. Туманимизнинг ҳамма масжидларида қишлоқ ва маҳалла аҳллари билан биргаликда бу йўлда қўлдан келганча хизмат қилиб келишяпти, — дейди Пискент тумани бош имом-хатиби Абдулхамид Маликов.

Қисқаси, Тошкент вилояти қишлоқларида эски, шароити талабга жавоб бермайдиган масжидлар қайта қуриляпти ёки яшигина таъмирланяпти. Бироқ айрим камчиликлар борлигини ҳам айтишимиз керак. Масалан, баъзи масжидлар қабристондан девор уриб ажратилмаган, айрим масжидларга яқин зиёратгоҳларда одамлар хурوفот амалларини қилишаётганини кўрдик... Бу каби камчиликларни тугатиш йўлида жонкуяр, илмли имом-хатиблар бош-қош бўлишди, деб умид қиламиз.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ



Шароитлар яхшиланди

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги барча илм масканларида янги 2009 — 2010 ўқув йилига қизгин тайёргарлик кўрилди. Биринчи навбатда сабоқлар савиясини ошириш мақсадида ўқув шароитларини яхшилаш, хоналарни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институтида маънавият ва маърифат хонаси ташкил этилди, институт ҳудудидаги масжид таъмирланди. Талабалар ётоқхонаси шароитлари яхшиланди.


Кўкалдош ўрта-махсус билим юртида ҳам янги ўқув йили олтидан компютер хонаси, ахборот-ресурслари маркази, услубият, маънавият ва маърифат ишига йўналтирилган саккизта хона талаб даражасида таъмирланди, янги ўқув қуроллари билан жиҳозланди.

“**Хадичаи Кубро**” аёл-қизлар Ислом ўрта-махсус билим юртида эса ҳар бир босқич талабаларига ажратилган синф хоналари муайян фанга мос ҳолда жиҳозланди. Биринчи босқич талабалари хонаси ҳадис, иккинчиларники Ислом тарихи, учинчиларники фикҳ, тўртинчиларники араб тили хоналари қилинди.

Мир Араб Ислом ўрта-махсус билим юртида мустақиллик байрами арафасида барча ички имкониятлар ишга солиниб, талабалар ётоқхонаси эшик-даразалари янгиланди, мадраса биносининг кошинли безаклари тикланди ва томи тўла таъмирдан чиқди. Ётоқхонада турадиган талабалар учун янги чойшаблар харид қилинди.

Шунингдек, билим юртидаги тафсир-ҳадис, фикҳ-ақоид, сарф-наҳв, психология-педагогика, тарих-география ва компютер хоналари замон талаблари асосида қайта таъмирланиб, зарур асбоб-анжомлар, кўргазмали қуроллар, қўлланмалар билан таъминланди.

Жалолиддин НУРИДДИНОВ,
ЎМИ таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими мудири



Барча хайрли ишлар асосида эҳсон, мурувват, меҳрибонлик ётади. Чунки яхшиликдан яхшилик, саховат куч олади. Мурувват қилиш билан муҳтожлар ҳам ўзини тиклаб олади, қўлидан келганича бошқаларга манфаат етказишга чоғланади. Айниқса, меҳрибонлик кишиларни бир-бирига яқинлаштиради, жамиятдаги ҳар хил табақа вакиллари аҳил-иноқ яшашига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «**Молларини**

риб берар экан. Мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг бундай байтлари бор:

*Нафъинг агар халққа
бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзингга
кўпракдурур.*

Мен ҳам имом-хатиблар билан ҳар сафар кўришганимда ёки туманларда бўлганимда олдин шу масалага эътибор қандайлигини сўрайман, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш биринчи галдаги ишимиз экани-

ёзилиб, шу туманлик кам таъминланган оилалардан 11 болакайнинг суннат тўйи ўтказилди.

Ўқув муассасаларига ҳам имкон борича ёрдамлашяпмиз.

Зангиота туманидаги 34-сонли мактаб қурилиши учун шу йилнинг ўзида 1 миллион 800 минг сўм маблағ сарфладик. Курувчиларга мунтазам иссиқ овқат етказиб берилди. Худди шундай: Зангиота озиқ-овқат коллежига, вилоят кўзи ожизлар жамияти ва бошқа мактаб,

Саодатли ва Ғанимат Дамлар



Аллоҳ йўлида сарфлайдиганларнинг мисоли худди бир донга донга ўхшайди. Ундан етти бошоқ ўсиб чиқади, ҳар бошоқда юзтадан дон бор. Ва Аллоҳ кимга хоҳласа, яна кўпайтириб беради» (Бақара, 261).

Бу ҳақиқатни тушунган киши эҳсон қилишга шошилади, ночорроқ яшаётган қариндошлари, дўстлари ҳолидан хабар олади. Фарзандлари қаторида миллат болаларининг ҳам тўқис улғайиши учун қайғуради. Чунки меҳрибон Парвардигоримиз бир яхшилигимизни юз, ҳатто ундан ҳам кўпайти-

ни таъкидлайман. Имом-хатибларимиз кам таъминланган оилалар, муҳтожлар, боқувчисини йўқотган қариялар ҳолидан хабар олиб туришади. Маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари бундай кишилар рўйхатини тақдим қилишади.

Шу йилнинг биринчи ярмида муҳтож оилаларга 37 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам берилди, озиқ-овқат, кийим-кечак каби зарур бошқа нарсалар эҳсон қилинди.

Халқимизда қадимдан бир-бировни қўллаб-қувватлашнинг чиройли кўринишлари шаклланган. Мусибатли кунда ҳам, шодёнада ҳам ёнма-ён турилиб, ғаму қувончига шерик бўлинган. Тезроқ қийин шароитдан чиқишига ҳаракат қилинган. Чинакам ёрдам, эҳсон шу эмасми?!

Масалан, бир вилоятдошимизнинг ёниб кетган уйи қайта тиклаб берилди. Вакиллик ташаббуси билан Бекобод шаҳри “Оқ масжид” намозхонлари ва “Зафар” маҳалла аҳли ҳеч кими йўқ Ўткир Зоитовнинг никоҳ тўйини ўтказиб беришди. Ёки “Зангиота” зиёратгоҳида дастурхон

мактабгача тарбия муассасаларига 5 миллион сўмдан ортиқ ёрдам берилди, бир неча талабанинг ўқув шартнома пуллари ҳам тўланди.

Оламларга раҳмат бўлиб келган Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳаётлари саховат ва ҳимматда, яхшилик ва мурувватда ҳам ҳаммамизга ўрнакдир. Айниқса, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) оиларнинг султони — шарафли Рамазон кирганида бошқа пайтлардагидан ҳам саховатлари тошиб, эҳсон қилишда шамолдан ҳам шиддатлироқ бўлар эканлар. Мана, яна бир рамазон рўзасини тутиш бизга насиб этди. Унинг файзи, фароғати, гашти, баракасидан баҳраманд бўлиб турибмиз. Яхшилик қилишда мусобақалашадиган бу ойда янада хайру саховатли бўлайлик, муҳтож, кам таъминланган биродарларимиз кўнглини олайлик, дейман. Саодатли, ғанимат дамларда кўпроқ яхшилик қилишга интилайлик.

Қурбонали ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Тошкент вилояти вакили

ДАНИЯ ҚИРОЛЛИГИ



Майдони: 43 075 кв. км.
Аҳолиси: 5, 4 миллион киши.
Пойтахти: Копенгаген шаҳри.
Тузуми: конституциявий монархия.

Давлат бошлиғи: қиролича.
Маъмурий тузилиши: 14 вилоятдан иборат.

Йирик шаҳарлари: Орхус, Оденсе, Олборг.

Пул бирлиги: дания кронаси.



Бу ҳудудда қадимдан яшаб келган ют ва англ қабилалари милодий бешинчи асрдан Британияга кўча бошлаган. Улар ўрнига дан қабилалари келиб ўрнашади. Саккизинчи асрдан данлар (викинглар) баъзи Оврупа мамлакатлари соҳилларига ҳужум уюштириб туришди. Учинчи асрда биринчи Дания қироллиги ташкил топди. 960 йили қирол Харалд Биринчининг ҳузурида насронийлик қабул қилинди. Қирол Кнуд Биринчи даврида (1018 – 1035) Дания ҳатто Англия ва Норвегия ерларини ҳам эгаллаб олди. Ун учинчи аср бошида Болтиқ денгизи жанубий соҳиллари ва Шимолий Эстонияни қўлга киритди.

Ганза билан уруш (1367 – 1370) натижасида Даниянинг Болтиқ денгизига мутлақ ҳукм-

ронлиги бой берилди. 1397 йили Дания, Шветсия ва Норвегия ўзаро келишиб, Дания қироли қўл остидаги ягона давлатга бирлашиш ҳақида Калмар шартномасини имзолашди. 1460 йили немисларнинг Шлезвиг ва Голштейн ўлкалари ҳудуди ҳам Данияга қўшиб олинди. 1523 йили Шветсия Дания таркибидан чиқди.

Ун еттинчи аср охирларида бу икки мамлакат ўртасида кўп уруш бўлди, натижада Дания Шветсия жанубидаги Сконе ва Норвегиянинг бир қисмидан ажради. 1814 йили Дания–Норвегия шартномаси ҳам бекор бўлди ва Дания таркибиде Исландия, Фарера ва Гренландиягина қолди. Дания–Пруссия уруши оқибатида қироллик Шлезвиг ва Голштейндан ҳам ажради.


Биринчи жаҳон урушида Дания бетараф бўлди. 1940 йили мамлакат ерларини немис-фашист босқинчилари эгаллаб олишди. Бунгача Дания таркибиде бўлган Исландия 1944 йили мустақиллигини эълон қилди, Данияни эса 1945 йили инглиз қўшинлари озод қилишди. Орадан тўрт йил ўтгач у НАТО-

га, 1972 йили Оврупа ҳамжамиятига аъзо бўлди. Тахтга қиролича Маргрете ўтирди.

Дания саноати юксак ривожланган, ташқи иқтисодий алоқалари яхши изга тушган мамлакатлардан. Машинасозлик, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик соҳалари кучли тараққий этган. Дания денгиз кемалари (жаҳон экспортининг 5 фоизи), кема моторлари, семун ва озиқ-овқат саноати ускуналари, электромоторлар, валасапид ва мопедлар, аудио ва видеоаппаратлар, тиббиёт асбоб-ускуналари, компютер ва нусха кўчириш асбоблари ишлаб чиқаради. Нефт маҳсулотлари ва чармни қайта ишлаш ҳунари ҳам анча ривожланган.

Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш, ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати жиҳатидан Дания дунёда энг илғорлардан. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг 90 фоизи чорвачилик ҳиссасига тўғри келади. Аҳоли жон бошига сут, мой ва гўшт ишлаб чиқариш бўйича Дания дунёда иккинчи ўринда туради. Далаларда буғдой, арпа, сули, картошка, қанд лавлаги, сабзавот етиштирилади.

Мамлакат четга машина ва ускуналар, қишлоқ ҳўжалик



маҳсулотлари, гўшт ва гўшт-сут маҳсулотлари, ёқилғи, балиқ сотади. Четдан эса машина ва эҳтиёт қисмлари, нефт ва кимё саноати моллари, галла ва озиқ-овқат, газлама ва қоғоз сотиб олади.

Мамлакатда данимарклар (98 фоиз), немислар (0,7 фоиз) ва оз сонли бошқа халқлар яшайди. Аҳолининг 94 фоизи католик динида, 4 фоизи мусулмон, 2 фоизи протестант, қолгани бошқа динлар вакиллари.

Дания Ислон марказлари ва мусулмон воизлари маълумотига кўра, кейинги йилларда мамлакатда Ислон динига қизиқиш кучайган. Ҳозир мамлакатда 200 мингга яқин мусулмон истиқомат қилади. Мамлакат парламентида мусулмонлар жамоасининг уч вакили бор.

Сизга маълум бўлса керак, бундан икки йилча илгари Дания матбуотида Ислон дини рамзларини калака қилувчи расмлар чоп этилган эди. Бу кўнгилсиз воқеа катта шов-шувларга сабаб бўлди. Баъзи ирқчи-миллатчи сиёсий партиялар вазиятдан «унумли» фойдаланиб қолди ҳам. Лекин, бу воқеалар мамлакат аҳолисининг Ислонга қизиқшини сусайтира олмади, аксинча, оддий данияликлар Ислон дини вакиллари янада кўпроқ хайрхоҳлик кўрсата бошлашди.

Копенгаген мусулмонлари яқингача ижарага олинган ертўлаларда намоз ўқишар эди, Дания дин ишлари вазири Бирт Рон Хорнбех хоним пойтахтда катта жомеъ масжиди қурилиши бошланганини маълум қилди. Даниянинг «Фанкостен» нашриёти Куръони карим маънолари таржимасини ўн минг нусхада босиб чиқарди. Куръони карим маъноларининг данимарк тилига бу иккинчи таржимасини адиба Элен Фолф бажарган. Биринчи таржима мусулмон Абдуллоҳ Мадсонга оид бўлиб, 1967 йили чоп этилган эди.

Аҳмад ТУРСУН

Манбалар:

1. «Страны мира», справочник. Москва, 2003 г., стр. 50–52.
2. «Атлас мира», справочник. Москва, 2003 г., стр. 28–29.
3. Интернет сайтлари.

Уммонлик меҳмонлар

8 август куни Уммон султонлиги ташқи ишлар вазирининг биринчи котиби Ййсо ибн Сайф Вухайбий бошлиқ меҳмонлар Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюришди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси халқаро алоқалар бўлими мудирини Саидбахром Ғуломов меҳмонларга Ҳазрати Имом мажмуасининг барпо этилиши, мақбара ва мадрасалар тарихи, Тошкентда яшаб ўтган улуғ фақиҳ Абу Бакр Қафол Шоший ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб берди.

Уммонлик меҳмонлар ЎМИ кутубхонасидаги Ҳазрати Усмон Мусҳафини зиёрат қилишди. Кутубхона мудирини Обиддин Элтоев уларни бошқа нодир қўлёмалар билан ҳам таништирди.

Илёсхон АҲМАД,

халқаро алоқалар бўлими ходими

“Меҳр нури”

жамғармаси ҳиммати

Яқинда Мир Араб Ислон ўрта-маҳсус билим юртида “Меҳр нури” жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Тошкент Ислон институти ва Ислон ўрта-маҳсус билим юртлари иқтидорли талабаларини рағбатлантирувчи стипендия билан тақдирлаш, диний таълим муассасалари кутубхоналарига 38 номда 124 тадан қўлланма ва дарсликлар, бошқа ўқув воситаларини топширишга бағишлаб хайрия тадбири ўтказилди.

Тадбирда “Меҳр нури” жамғармаси вакили жами 50 нафар талабага



эллик минг сўмдан рағбатлантирувчи стипендия ва маҳсус дипломларни топширди. Топшириш чоғида жамғарма раҳбарияти вакили юртимиз ёшлари, айниқса, иқтидорли талабалар чуқур билим олишларига катта эътибор берилаётгани ҳақида гапирди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов эса диний таълим муассасаларига кўрсатилаётган хайрия ёрдами учун миннатдорлик билдирди.

Пўлатхон КАТТАЕВ,

таълим бўлими ходими

Рамазон арафасида

Андижон тумани Завроқ қишлоғида ўтган асрнинг йигирманчи йилларига “Файзибой хожи” масжиди бор эди. Аммо совет даврида бу масжиднинг фаолияти тўхтатилиб, қаровсизлик оқибатида хонақоҳи ҳам бузилиб кетди.

Ниҳоят, бу йилги рамазон ойи арафасида завроқликлар анчадан буён сабрсизлик билан кутишаётган воқеа юз берди – «Файзибой хожи» жомеи яна иш бошлади. Ҳашар йўли билан қурилган масжидда ҳамма шароитларга эга хонақоҳ, замонавий таҳоратхона, имом-хатиб, ноиб, мутавалли ва бошқалар учун керакли хоналар мавжуд.

Ж. ТУРДИЕВ,

Андижон

ЎЗБЕК УЛУСИ ТАРИХИДАН

“...Салтанати даврон, улуғ ҳоқони ҳозиқ Шайбекхон (Шайбонийхон) ҳазрати олийлари бахтли кунларнинг бирида мен, камина фақир ҳақиқат ўзбек улуси тарихиндан авлодларга ёдгорлик бўлиб қолмоқ истакларинда шундайин бир тарих китобини ёзмоқликни ишора этуб эдилар. Ва мен ҳам бундайин шарафли ишни бор вужуди мамнуният ила бажонудил қабул айлаб, онинг ёзилиш йўлида ушбу саодатли онларнинг биринчи кунидан бошлаб қаламравида ила сайъи ҳаракатга астойдил бел боғладим...”

Ушбу парча Ибн Рузбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро”¹ номли йирик асаридан олинди.

Ибн Рузбехон (асл исми-шарифи Афзалиддин Фазлуллоҳ ибн Жамолиддин Рузбехон ибн Муҳаммад Хунжий) 1457 йили Эроннинг Лористонига қарашли Хунжа шаҳрида дунёга келган. Отаси Жамолиддин Рузбехон ҳам даврининг таниқли олимларидан бўлган.

Ибн Рузбехон туркий халқ фарзанди экани манбаларда қайд этилади. У Шарқнинг кўп ўлкаларига саёҳат қилади, замонасининг етук олими бўлиб етишади. “Мухлислар йўли”, “Фаннинг уйғониш даври” номли асарлар ёзади. Ибн Рузбехон қадимий Мисрга сафаридан кейин Сухравардийнинг (1145 – 1232 йил) “Боғлар инъоми” асарини ўргангани ва унга шарҳ битади.

Ибн Рузбехон Қоҳира, Қуддус, Хеврон (Сурия), Ироқ ва унинг пойтахти Бағдодда бўлади. “Тарихи оламорои Амийн” (“Амийннинг дунё тарихини безовчи китоби”) номли энг йирик асарини ўша вақтда ёзади. Бу китобни тарихчи кейинчалик Ёқубхоннинг ўғли Абулфатҳ Мирзо Бойсунқорага тақдим этади. Мазкур асарнинг бир нусхаси Истамбулдаги Фатҳ кутубхонасида, бош-қа бир нусхаси Париж миллий кутубхонасида сақланади. 1953 йили мазкур асарнинг қисқартирилган шакли Лондонда инглиз тилида чоп этилган.


Ибн Рузбехон 1504 йили подшоҳ Исмоил Сафавий таъқибидан қочиб, Ҳиротга бош олиб кетади. Бир оз муддат теурийлардан Ҳусайн Бойқаро саройида ҳам турган. 1505 йили кўпгина илм-фан ва маданият намояндалари қатори Шайбонийхон саройига ўтган.

Ибн Рузбехон кўп ўтмай Шайбонийхоннинг эътиборли кишиси, маслаҳатчиси ҳамда тарихчиларидан бирига айланади. 1509 йили Моваруннаҳр тарихига оид “Меҳмонномаи Бухоро” номли машҳур асарини ёзади.

Мазкур асарда XVI аср бошларига оид муҳим тарихий-жуғрофий маълумотлар келтирилади: “...Ўзбеклар давлатининг музофоти – бир томони уммон (Каспий денгизи – Ҳ.З.) билан, бошқа томони эса Туркистон билан, учинчи томони Дарбанд, тўртинчи томони Хоразм, бешинчи томони – Астробод билан чегараланади. Бу ерларнинг ҳаммаси кўчманчи ўзбекларнинг доимий ёзги ва қишки қароргоҳлари ҳисобланади” (“Меҳмонномаи Бухоро”, 62-бет).

Ибн Рузбехон ўзи кўрган шаҳар, туман, овуллар тўғрисида кенгроқ тўхталиб ўтади, қаср ва нодир обидалар, дарёлар ҳақида ҳам муфассал ёзади. Шунингдек, муаллиф ўзи гувоҳ бўлган қавм-қабилаларнинг турли маросимлари, гаройиб воқеалар, халқларнинг урф-одатлари, маданияти, шаҳарларнинг жуғрофий жойлашишлари, табиий иқлими, тарихи ва адабиётига оид муҳим маълумотлар беради, бу ҳам мазкур асар илмий қимматини оширади. Жумладан, Самарқанд ҳақида ёзганида Ибн Рузбехон Конибилга алоҳида эътибор берган:

“Мафгункор, сахий табиатли, ер юзи сайқали Самарқанд шаҳри ташқарисида “Конибил” деб аталувчи яйловзорлар бор. Бу ер, баъзи олимлардан эшитишимча, жуда дилкушо, ерларнинг агир ҳисобланаркан. Туркий “агир” сўзи ҳам шундан олинган. Дунёнинг бирор бошқа ўлкасида Ко-



нигилдагидек яйловзорлар йўқ. Ҳатто Сурия, Миср, Ҳирот Қўҳистони яйловлари ҳам Самарқанднинг Конигил яйловларига етмайди. Табриз, Исфакон ва Шероз шаҳрига келсак, уларнинг агирлари (адирлари) ҳам шак-шубҳасиз бунга тенг келолмайди. Шу ерга яқин Кўҳак ариги ёнидаги тепаликда эса уч ошёнали расадхона қад кўтариб турибди” (*Ўша асар, 152-бет*).

Асарда Туркистон ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам диққатга сазовордир: “Туркистон кўпгина халқлар яшайдиган кўп эски, маълум ва машҳур ўлка ҳисобланиши билан бирга, шубҳасиз, ер юзида кам учрайдиган ҳамда ҳар қандай кишини ўзига оҳанрабодек тортадиган жойлардан саналади. Шу боис бу сафоли, чексиз гўзаллик бахш этилган ўлкага олиму донишмандларнинг одимлари йил давомида бир муддат ҳам узилмайди... Туркистон Сайхун дарёси бўйида жойлашган ўттизта қалъа – шаҳардан ташкил топган...” (*Ўша асар, 73–74-бетлар*).

Муаллиф китобида дарёларга ҳам алоҳида боб ажратади: “Сайхун дарёси, қадимдан тарабнум этиб келинаётганидай, дунёнинг тўрт улуғ дарёларидан бири ҳисобланади. Айтишлари-ча, унинг зилол сувлари жаннатнинг муаттар тупроғидан оқиб келармиш. Бу дарё ерликлар тилида “Хўжанд дарёси” деб ҳам аталади. Ўзбеклар билан мўғиллар уни “Сирдарё” деб атайдилар. ...Бу гаройиб дарё Хўжанддан бошланиб, Шоҳруҳия шаҳар қалъаси ёнидан оқиб ўтган экан...” (*Ўша асар, 74-бет*).

Хуллас, ҳақиқатни англашда, тарихий жараёнларни теран ўрганишда мозийдан садо берувчи бундай асарларнинг аҳамияти каттадир.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН

¹ Фазлуллах ибн Рузбехон Исфаканий. “Меҳман-намеи Бухара”. Москва, «Наука», 1976 г. стр. 41.

Баъзиларга жаноза намози ўқилмайди, деб эшитдим. Динимизда кимларга жаноза намози ўқилмаслигини баён қилсангиз.

Зиёуддин САДРИЕВ,
Ховос

Жаноза намози оламдан ўтган мусулмоннинг ортда қолган мусулмонлар зиммасидаги ҳаққи ва унга ҳурмат ифодасидир. Бу ҳаққи бир ёки бир неча мусулмон адо этса, қолганлар зиммасидан соқит бўлди. Шу сабабли жаноза намози фарзи кифоя ҳисобланади.

Ким ўзини ўзи ўлдирса, унга ҳам жаноза ўқилмайди.⁴ Чунки у ўзига зулм қилган ва тавба қилмагандир. Жобир ибн Сумра (розийаллоҳу анҳу) айтади: “Расулаллоҳга (алайҳиссалом) ўзини тиф билан ўлдирган киши келтирилганида, унга жаноза намози ўқимадилар” (*Имом Муслим*).

КИМЛАРГА ЖАНОЗА НАМОЗИ ЎҚИЛМАЙДИ?

Намознинг ҳамма шартларидан ташқари яна: вафот этган кишининг мусулмон ва ювилган бўлиши, тобути саф олдида қўйилиши жаноза намози шартларидир.

Ислом динидан қайтган (муртад)га жаноза намози ўқилмайди.¹

Боғийлар (подшоҳга қарши чиққанлар) ва қароқчилар уруш ҳолатида ўлдирилса, уларга жазо ва таҳқир маъносиде, жаноза намози ўқилмайди.²

Ҳазрати Алига (розийаллоҳу анҳу) Наҳравон аҳли қарши чиқиб, уруш қилганларида улардан ўлганларини ювмасдан, жаноза ўқимасдан кўмишни буюрганлар.

Қароқчилар бузғунчиликда ва юртни нотинч қилишда боғийлардан ҳам ўтиб тушади.

Золимларга ёрдам берувчилар ҳам агар қарама-қарши курашда ўлдирилса, уларга жаноза намози ўқилмайди.³

Ота-онасидан бирининг қотилига ҳам, таҳқир маъносиде, жаноза намози ўқилмайди.


Туғилганида овози ё ҳаракати билан тириклиги билинмаган чақалоқ ювилади, лекин унга жаноза намози ўқилмайди. Бунга далил Жобир (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисдир. Ҳадисда: “Чақалоқ ўлик туғилган бўлса, туғилганида овоз чиқармаган бўлса, унга жаноза намози ўқилмайди, мерос олмайди, мерос қолдирмайди”, дейилган (*Имом Термизий*).

¹ “Раддул Мухтор”.


² “Раддул Мухтор”.

³ “Раддул Мухтор”.

⁴ “Ҳазонатул фатово”.



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Сайёҳларга рамазон ҳадялари



Бирлашган Араб Амирликлари миллий авиакомпанияси рамазон ойида Дубайга келувчи ёки қўниб ўтувчи сайёҳларга совғалар улашди. Рамазон кунлари уларга шаҳарнинг энг яхши меҳмонхоналаридан имтиёзли нархларда жой берилди.

Мамлакат президентининг Форс қўлтиғи, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Ироқ билан савдо алоқалари бўйича катта ёрдамчиси Аҳмад Хурий айтишича, рамазон кунлари Дубайга келган меҳмонларга “Араб эртаклари” томошаси намойиш этилди ва саҳарликлар уюштирилди.

Бобурийлар даври заргарлик санъати



Санкт Петербург шаҳри Эрмитажида “Бобурийлар даври Ҳиндистон заргарлик санъати” кўрғазмаси очилди. Кўрғазмада милодий (XVI – XVIII) асрларда турлитуман услуб ва ечим билан ишланган ноёб тилла тақинчоқлар, митти сандиқчалар, олмос, зумрад каби қимматбаҳо тошчалар билан безатилган ханжарлар, қиличлар намойиш этиляпти. Бу заргарлик буюмлари Қувайт амирининг девонхона ишлари бўйича вазирини Носир Сабоҳ ал-Аҳмад ас-Сабоҳ ва унинг хотини жамғармасидандир.

Кўрғазмани Эрмитажда шу йилнинг 8 ноябригача томоша қилиш мумкин. Сўнгра

Бобурийлар даври заргарлик санъати кўрғазмаси Сингапур ва Малайзияда ҳам намойиш этилади.

НАТО бош котибининг айтганлари

Даниянинг собиқ бош вазирини Андрес Фог Расмуссен НАТО бош котибининг бўлди. Яқинда у Исландия мамлакатлари билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлиғи ҳақида баёнот берди. Шунингдек, Расмуссен тез орада Анкарага сафар қилишини билдирди. “Яқинда Туркияга бормоқчиман ва мусулмон мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги аниқ таклифларимни айтмоқчиман”, деди НАТО бош котибининг.



Телефонларни ўчириш чораси

Кениянинг Гарисса шаҳридаги жомеъ масжидида янги технология ишга туширилди. Бу масжидга келувчиларни энди уяли телефон қўнғироқлари безовта қилмайди. Чунки бу ерда Хитой маҳсулотини – Mob Obstruct Instrument тизими ўрнатилди. Бу қурилма 20 метргача доирадаги қўл телефонларининг жиринглашини ўчириб қўя олади.

Мазкур мамлакатга уяли алоқа воситалари 2002 йилда кириб келган бўлса-да, тез кўпайиб, баъзи соҳа ходимлари, жумладан масжидларнинг имомларига анча



ташвиш туғдирди. Қўл телефонлари намоз вақти ҳам жиринглайвериб, жамоатни, айниқса имомни ибодатдан кўп чалғитар эди.

“Бу янги технология бизга жуда қўл келди, – дейди имом Аҳмад Кидий. – Хар ҳолда, намоз ўқиётиб кўп чалғимайдиган бўлдик”.

Бошқа масжидлар имомлари ҳам телефон ўчириш қурилмасини сотиб олиш ниятини билдиришяпти.

Бош котиб Хитойга сафар қилади



Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) бош котиби Акмалуддин Эҳсонўғли Хитойнинг Шинжон уйғур мухтор ўлкасига сафар қилади. Шу муносабат билан ИКТ котибиятининг элчи Саид ал-Масрий бошлиқ мутахассислари 15 август куни Хитой пойтахти Пекинга келишди.

Ушбу сафардан мақсад Шинжон уйғур ўлкасида мусулмонларнинг турмуш шароитларини ўрганиш, июл ойи бошларида минтақада юзага келган кескин вазият, содир этилган зўравонликлар сабабини ойдинлаштиришдир. ИКТ раҳбарияти Хитой ва Ислом олами ўртасида шаклланган яхши муносабатларни сақлаб қолиш тарафдоридир.

Хаттотлик маркази очилади



Исломий хаттотлик миллий уюшмаси (Малайзия) мамлакатда ушбу соҳа мутахассисларини тайёрлаш марказини очиш ташаббуси билан чиқди. Уюшма

президенти Муҳаммад Юсуф Абу Бакр айтишича, малайзияликлар хаттотлик санъатини ҳамон Миср, Сурия ва Туркияга бориб ўрганишяпти.

Малайзияликларда хаттотлик сирларини эгаллашга қизиқиш катта. Шу йил октябр ойида Куала Лумпурдаги исломий санъатлар музейида хаттотлик бўйича тўртинчи миллий кўрик-танлов ўтказилди.

Қозон шахри тарихи ҳақида

Россия қадимшунослари Қозон шахри кремлида 11 йил олиб борилган қазилмаларни якунлашди. Ушбу қазилмалар Қозоннинг милодий X асрдаёқ шахар бўлиб шаклланганини кўрсатмоқда. Аммо шахар ҳақидаги илк маълумотлар XV аср ўрталарига оид қўлёзма манбаларда қайд этилади. Бу даврда шахар Қозон хонлиги (1438–1552) пойтахти эди.



Мутахассислар шахар тарихининг мўғул босқинидан олдинги даврига, Олтин Ўрда замонларига, Қозон хонлиги даври, шунингдек, Иван Грозний эгаллаганидан кейинги йилларга тегишли нарсаларни топишди. Қозон кремли ҳудудидаги Суюмбака минораси яқинида Макка тарафга қаратиб оқ тошлардан тикланган иморат (масжид) қолдиқлари кўмилиб ётган экан. Шу пайтгача ушбу минора XVI аср ўрталарида қурилган дейиларди. Аммо янги топилган далиллар унинг XVII аср охири XVIII аср бошларида бунёд этилганини кўрсатяпти.

Ҳожилар эмлашдан ўтишади

Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги диний бирлашмалар муассасалари бўйича комиссия маъсул котиби А. Себенсов бу йил мамлакатдан ҳаж сафарига борувчилар сони анча камайиши мумкинлигини маълум қилди. Комиссия маъсул котиби Саудия Арабистонида А/Н₁Н₁ юқумли касаллиги (чўчка гриппи) тарқалгани сабабли жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 20 – 25 ёшга тўлмаганларни, шунингдек 65 ёшдан ошганларни ҳаж сафарига жўнатмасликни қатъий тавсия қилаётганини айтди. Шунингдек, у Саудияга умра сафарига автоуловларда борганлар йўлда чўчка гриппини юқтириб олишганини, шу боис ҳожиларни фақат ҳаво транспортида жўнатиш зарурлигини таъкидлади.



Россия ҳукумати қошидаги ҳаж бўйича кенгаш раҳбарининг ўринбосари Ислом

Назаралиев ҳожилар виза олишларидан икки ҳафта олдин албатта чўчка гриппи вирусига қарши эмлашдан ўтишлари кераклигини маълум қилди.

Телефон қиблани кўрсатади



Жанубий Қуриянинг “LG Electronics” компанияси мусулмонлар фойдаланишига мўлжалланган янги (GD335 ва KP500N) уяли телефон аппаратларини ишлаб чиқарди. Макка тарафини кўрсатиб берувчи “Qiblah”, ҳижрий тақвим бўйича йил, ой, кунни билдирувчи “Adhan”

ва “Salah” технологиялари, шунингдек, закот ҳисоблагич билан жиҳозланган.

“Биз мижозларимиз эҳтиёжларини ҳисобга олиб, улар учун энг керакли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга интиляпмиз”, дейди компания президенти жаноб Н. Раик.

“Россияда Ислом” суратлар кўргазмаси



Россиянинг Малайзиядаги фан ва маданият маркази Малайзия исломий санъатлар музейи билан ҳамкорликда “Россияда Ислом” суратлар кўргазмасини очиш ҳаракатида.

Россиянинг Малайзиядаги элчихонаси маслаҳатчиси шу ҳақда маълум қилди. Унинг айтишича, мамлакат мусулмонларининг кундалик турмуши, байрамлари, миллий анъаналари, урф-одатларини акс эттирган кўплаб суратлар кўргазмага қўйилади.

Музейда олдин ҳам “Буюк Британияда Ислом”, “Олмонияда Ислом” каби фото-кўргазмалар ташкил этилган эди.

“Футбол дипломатияси” ютуғи

Туркия ва Арманистон чегараси 1993 йили ёпиб қўйилган, дипломатия алоқалари тўхтатилган эди. Ниҳоят, 2008 йили “футбол дипломатияси” иш берди. Туркия

президенти Абдулла Гул жаҳон биринчилиги (2010 йил) саралаш ўйинлари доирасида миллий терма жамоанинг Арманистон спортчилари билан баҳсини томоша қилиш учун Ереванга келди. Ўйиндан сўнг у Арманистон раҳбари Сержа Саргсянни футболчиларнинг жавоб учрашувини кўриш учун Истанбулга таклиф этди. Иккала президентнинг стадионда учрашуви шу йил октябр ойида бўлиши кутиляпти.



Туркия ташқи ишлар вазирлигидан хабар беришларича, бу икки давлат Швейтсария воситачилигида дипломатия алоқаларини қайта ўрнатишга тайёргарлик кўряпти. Туркия ташқи ишлар вазири Аҳмад Довудўғли музокаралар 6 ҳафта давом этишини, Арманистон билан чегара 2010 йил бошида очилиши мумкинлигини айтган.

Манамада ўтадиган анжуман

Шу йилнинг 26 – 27 октябр кунлари Баҳрайн қироллиги пойтахти Манама шаҳрида анъанвий Бутунжаҳон иқтисодиёт анжумани бўлиб ўтади. Мамлакат ҳукумати ҳомийлигида ташкил этилаётган анжуманнинг раиси қироллик оиласи аъзоси, Баҳрайн фуқаро қурилиши вазири шайх Иброҳим ибн Халифдир.



Анжуман бош котиби Салмон Шайба тадбирда иштирок этишни истаган хорижий ташкилотлар билан келишувлар имзоланаётганини маълум қилди.

Монреал мусулмонлари

Канаданинг Квебек ўлкаси пойтахти Монреал шаҳрида 42 та масжид ишлаб турибди. Ливанда туғилиб, 30 йилдан бери Канадада истиқомат қилаётган Монреал университети профессори Ж. Лаббон айтишича, шаҳарда черковлар кўп, масжидлар ҳам кўпаймоқда. Шу боис янги жомеъ қуришдан кўра, черков ёки синагог-



ни сотиб олиб, мас-жидга мослаштириш анча осондир.

Монреал мусулмонлар жамоаси олдин иккита черковни сотиб олиб, бирини жомеъ масжиди, иккинчисини Квебек Ислом маркази қилган эди. Яқинда эса бу ташкилот Монреалнинг Anslen Levigne шоҳқўчасидаги бинони сотиб олиб, ўлкадаги энг катта масжидлардан бирига айлантирди. Бу жомеда 2 минг киши бемалол жамоат назоратини ўқий олади.

Квебек мусулмонлари жамоаси 1964 йили илк таълим муассасасини очган эди. Ҳозир ўлкада бир неча исломий ўқув юрти бор.

Китоблар кўргазмасида тақдимот



Москва шаҳридаги Бутунроссия кўргазмалар марказида ташкил этилган “Китоб тинчлик ва тараққиёт хизматида” анъанавий XXII кўргазма-савдо ярмаркасида 6 сентябр “Исломий нашрлар куни” деб эълон қилинди. Ўша куни бу ерда расмий дастурга биноан “Основы Ислама”, “История пророков в Коране”, “Люди с нарушением слуха и зрения в Исламе” китобларининг тақдимот маросими бўлди.

Саудия ижарага олади



Саудия Арабистони суғориладиган ҳосилдор ерларни ижарага олиш юзасидан Исломобод билан музокаралар олиб борапти. Покистон қишлоқ

хўжалиги вазирлиги масъул ходими шу ҳақда маълум қилди. Шу йил апрел ойида Покистон ҳукумати чет эл сармоядорларига 1 миллион акр (400 минг гектар, Гонконг ҳудудидан икки баравар катта) ер майдонини ижарага бериши ёки сотишини, бу майдонлар хавф-

сизлигини таъминлаш учун махсус кучлар ажратишини билдирган эди.

Ҳар йили 2,6 миллион тонна буғдой истеъмол қиладиган Саудия Арабистони сув тақчиллиги боис ўз ҳудудида галла етиштиришни кескин камайтирмоқчи.

Кечаси ўтган мажлис

Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕС)нинг навбатдаги мажлиси муборак рамазон ташрифи муносабати билан кечаси



ўтказилди. Музокаралар Вена шаҳрида 9 сентябр кечаси соат 23.30 да бошланди. Якуний матбуот анжумани эса 10 сентябр соат 3.30 да бўлди.

Эслатиб ўтамиз, ОПЕС аъзолари: Жазоир, Ангола, Эквадор, Эрон, Ироқ, Қувайт, Ливия, Нигерия, Қатар, Саудия Арабистони ва Венесуэла жаҳонда нефт экспортининг 40 фоизини етказиб беради.

Янги таклифлар тақдим этилди

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани имзолаган Эрон Фарб давлатлари босими остида “ядровий” ҳуқуқларидан воз кечмоқчи эмас.



Эрон ҳукумати ядровий дастур бўйича янги таклифларни ишлаб чиқди ва йирик давлатлар билан музокара бошлашга тайёрлигини билдирди.

6 сентябр куни катта “олтилик” вакиллари Майн бўйидаги Франкфурт шаҳрида (Олмония) Эрон ядро муаммосини муҳокама этишди. Музокаралар олдида Эрон миллий хавфсизлик олий кенгаши бошлиғи Саид Жалилий янги таклифлар музокараларнинг ушбу босқичида “адолат ва тараққиёт ғалабасига асос бўлишини” айтди.

Фарб оммавий ахборот воситалари хабар беришича, Эроннинг қайта сайланган президенти Маҳмуд Аҳмадинажот БМТ

Бош ассамблеясининг навбатдаги мажлисида нутқ сўзлашга тайёргарлик кўряпти.

Африқо иттифоқи анжумани



Я қ и н д а Ливия пойтахти Триполи шаҳрида Африқо иттифоқининг навбатдан ташқари анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда Суданнинг Дарфур ўлкасидаги инқироз, Сомали соҳилларида қароқчиликка қарши кураш масалалари муҳокама қилинди.

БМТ маълумотларига кўра Дарфур ўлкасидаги зиддиятлар сўнгги 6 йил мобайнида 300 минг киши ҳалок бўлишига, 2,7 миллион киши қочоққа айланишига олиб келган. Ливия инқилоби раҳбари Муаммар Қаззофий айтишича, Тел-Авивда суданлик бузғунчи тоифаларнинг халқаро ваколатхона очишлари га рухсат берилган.

Йўлдош телеканални қанчага тушади?



Я қ и н д а Россия Федерацияси президенти Д м и т р и й М е д в е д е в мамлакатда мусулмонлар учун йўлдош телеканални очиш зарурлигини таъкидлаган эди. Мамлакат телерадиочилар миллий уюшмаси президенти Эдуард Сагалаев айтишича, бундай телеканални ишга тушириш учун 1,5 – 4 миллион доллар маблағ керак бўлади. Фақат йўлдош телеканалда ишлаб чиқариш ва кўрсатувлар вақтини ва қамровини кенгайтириш мусулмон жамоалари ҳисобидан қопланиши зарур.

КАЛОМ ИЛМИ

Мовароуннахр, Хуросон ва бошқа ўлкаларни бирлаштирган Амир Темур салтанатида милодий XIV асрнинг иккинчи ярмидан илм-фан, маданият ва иқтисод тараққий топди. Ислон тарихи, калом илми, тафсир, ҳадис, фикҳ, фалакшунослик ва бошқа илмларни мукамал эгаллаган мутафаккирлар етишиб чиқди. Бу ҳақиқатни Самарқанд заминада фаолият кўрсатган Балхий ва Дамашқий, Бағдодий ва Марвазий, Тафтазоний ва Журжоний, Жазарий ва Шомий каби юзлаб алломаларнинг номлари ҳам исботлаб турибди.¹

Кўп йиллар Самарқандда яшаган, Амир Темур саройи олимларидан Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ Саъуддин Тафтазоний ҳижрий 722, милодий 1322 йили Хуросоннинг Насо шаҳрида туғилди.² Илк таълимни Ҳирот, Шероз каби шаҳарларда олди. Кейинроқ даврининг йирик олимлари Азуддин Ийжий, Қутбиддин Муҳаммад Розий, Насимуддин Абу Абдуллоҳ, Зиёуддин ибн Усмон Қазвиний, Аҳмад ибн Абдулваҳоб Қусийларга шогирд тушди, илмда етук даражага эришди.

Тафтазоний илк асарларини ўн беш-ўн олти ёшларида ёза бошлаган. Умрининг кўп қисми Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Фиждувон каби шаҳарларда ўтган. 1390 йили Самарқандда вафот этган.

Манбаларда келтирилишича, Тафтазоний асарлари ўттизтага етади. Асосийлари “Ал-арбаъин фил ҳадис”, “Ал-фатова ал-ҳанафиййа”, “Ал-мифтоҳ”, “Иршод ал-ҳодий”, “Таҳзиб ал-мантиқ вал калом”, “Мақосид ат-толибин” ва унинг шарҳи “Шарҳул Мақосид”, “Ал-мутававал ала ат-талхис” ва бошқалардир. Тафтазоний юртимиздан чиққан етук олимлар асарларига шарҳлар ҳам битган. Жумладан, у Абу Ҳафс Насафийнинг “Ал-ақоид”,³ Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Кашшоф” асарларига батафсил ҳошия ва одоб-ахлоққа оид “Навабиғул калим” (“Нозик иборалар”) асарига муфассал шарҳ ёзган.

Тарихчи Хондамир “Ҳабибас сийар” асарида ёзишича, Амир Темур Тафтазонийнинг илмий салоҳияти ва инсоний фазилатларидан хабардор бўлиб, 1380 йили уни Самарқандга таклиф қилади.

Араб тарихчиси Абдулқодир Тамимийнинг “Ат-Табақот” асарида ҳикоя қилинишича, бир куни соҳибқирон Амир Темур узоқ бир шаҳарга муҳим топшириқ билан чопар жўнатаётиб, унга: “Агар отинг ҳориб қолса, йўлингда учраган одамнинг, ҳатто у ўғлим Шохруҳ бўлса ҳам, отига алмаштириб, зудлик билан бу хабарни манзилга етказ”, деб тайинлади.


Чопар Амир Темур буюрган шаҳарга жўнайди. Бир неча кун юргач, йўлда аллома Саъуддин Тафтазонийга дуч кел-



ДАРҒАСИ

лади. Олим йўл четида отларини ўтлатиб, ўзи чодирда ўтирган эди. Шу пайт Амир Темур чопари ҳориган отини олим отларидан бирига алмаштирмоқчи бўлади. Шунда Саъдуддин Тафтазоний чодирдан чиқиб, отини чопардан қайтариб олади ва унга танбеҳ беради.

Чопар ўзига топширилган вазифани адо этиб, Амир Темур хузурига қайтгач, соҳибқиронга бу воқеани сўзлаб беради. Бундан Амир Темур олдиниға газабланади, сўнг газабини енгиб: “Агар унинг (Саъдуддин Тафтазоний) ўрнида фарзандим бўлганида ҳам бу иши учун албатта таъзирини берардим. Лекин ҳали қиличим етмаган жойларга асарларию китоблари тарқалиб, доврўғи дoston бўлиб кетган алломаи замонни қандай жазолайин”, деб мутафаккирга хурмат билдиради.



Тафтазоний Самарқанд мадрасаларида мударрис сифатида кўплаб шогирдларга устозлик қилди. Бир қатор муҳим асарларини ҳам шу шаҳарда ёзди. Жумладан, калом илмига доир йирик асари “Шарҳул Мақосид” (“Мақсадлар асарига шарҳ”) ҳам 1382 йили Самарқандда ёзиб тугатилди.

Ўрта асрларда ақида масалаларини хато, ғаразли мақсадларни кўзлаб талқин қилиш натижасида залолатга бошловчи фирқалар пайдо бўлгани маълум. Шундай шароитда бир қатор олимлар динимиз софлиги йўлида, унинг асл манбаларини одамларга тўғри тушунтириш билан бу оқимларга қарши курашишди, жамиятда касал муҳит, қарорсизлик келиб чиқшининг олдини олишди. “Мақосид ат-толибин” ҳам шу йўналишда ёзилган қимматли асар. Масала ғоятда муҳим ва долзарблиги боис муаллифнинг ўзи ушбу асарига шарҳ ҳам ёзган.

Асарнинг биз ўрганаётган наشري уч жилдли. Уни 2001 йили Байрут шаҳридаги “Дорул-кутуб ал-илмийа” нашриётида доктор Иброҳим Шамсуддин нашр эттирган. “Шарҳул Мақосид”нинг илмий нашрини эса Қоҳирадаги “Ал-Азҳар” университети уламолар кенгаши ислоний тадқиқотлар академияси аъзоси доктор Абдураҳмон Умайра тайёрлаган. Тадқиқотчининг турли мамлакатлардаги олтига кўлёмасидан фойдаланган. Китобга шайх Солиҳ Муса Шараф сўзбоши ёзган.

Салоҳиддин СИДДИҚОВ,

Тошкент Ислон университети магистранти

¹ “Халқ сўзи”. 2007 йил 20 сентябр. 4-бет.

² “Ислон энциклопедияси”. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Т. 2004.

³ Тафтазонийнинг ушбу асарга ёзган шарҳи 2000 йили Қоҳира шаҳрида 162 саҳифали китобча шаклида нашр қилинган.

Илём ЮНУСОВ

Йиллар ўтар...

Йиллар ўтар, вақтнинг
бўлмас яхши-ёмони,
Фикр қил, ҳаётнинг
кўпдир ибрат томони.
Фозил инсон қолдирар
изларида боғ,
Кўксинг доғлаб, ёмоннинг
бўлар вақти чоғ.

Бекорчининг борар жойи
гуноҳ ва азоб,
Кўз-кўз қилиб мақтаган
бойлиги сароб.
Ақчага ҳирс қўйганлар
тўйдим демас ҳеч,
Қорунни ер ютди-ку,
ибрат эмасми?..

Ахир бу оламдан ўтар чоғида
Искандар ҳам кетди
қуруқ қўл билан.
Энг гўзал саодат
манзилларига
Инсон етар фақат
тўғри йўл билан.

Мағрур боқма отанг
кўзига асло,
Бошингни қўй онанг
остонасига.
Сени ҳеч ғам кўрмай
улғайсин дея
Сочига оқ, ажин тушди
пешонасига.

Яхшилар яхши амал
қилар ҳар доим,
Фарзандлари эл-юрт
хизматида қоим.
Олимдир, ишчидир
ё соҳиб хунар,
Изларида Ватан
гуллари унар...

Тошкент



Ҳайит арафасида бир неча аёл-қизларимиз билан байрамни кутиш, қандай нишонлаш ҳақида суҳбатлашдик. Уларнинг айрим мулоҳаза ва истакларини этиборингизга ҳавола қиляпмиз.

ҲАЙИТ ХУРСАНДЧИЛИК КУНИДИР

Ҳилола: Ҳайит куни кўнглим яйраб кетади. Байрам баҳона дугоналарим келишади. Ҳайит поклик тантанаси деб ўйлайман. Бир ой рўза тутиб, аъзоларимизни, қалбимизни гуноҳлардан тийдик, губорлардан халос бўлдик. Шунинг учун ҳайитни муносиб тарзда шод-хуррам ўтказишга интиламман.

Зоҳида опа: Одамлар ўзларини қийнаб, кундан-кун янги-янги урф чиқаришади. Масалан, қиз чиқарган оила баъзан улкан, қимматбаҳо торт юборади. Безаклариям нархига яраша. Аммо кўпинча ейишга ҳам улгурмайсиз, айниб қолади... Одамлар кўрсин деб муборак кунларда риёга, исрофга йўл қўймаслик керак.

Ҳалима ая: Ҳайитни ҳамма интиқиб кутади. Айём баҳона яқинлар, қариндош-уруғ, ошна-оғай-




нилар дийдорлашишади. Ҳамма хурсанд. Аммо баъзилар ортиқча уриниб, ўзларини қийнаб қўяди. Бир қўшнимиз рўза ичи фақат узатган қизининг “ҳайити” ташвишини чекди. Кўринишдан, рамазоннинг улуғ ойлигини ҳам эсидан чиқарди. Муборак кунларда фақат “одамлар нима дейишар экан...”, деган ўй-хаёл билан яшаш ачинарли ҳол эмасми?

Сарвинисо опа: Афсус, ҳамон айрим жойларда ҳайит куни ҳам

қора, кўк кийиб йиғлаётган аёллар, бошлари эгик эркакларга кўз тушади. Баъзилар кўчама-кўча таъзияхонлик қилиб юришади. Бу ҳолдан мусибатли уй аҳли ҳузурсизланади. Марҳум ҳаққига дуо қилиш учун албатта уйига бориш шартми? Ўз уйида, намоз ўқиб, дуо қилса ҳам бўлади-ку. Шодлик кунида одамларда ғамгин кайфият уйғотиш яхши эмас. Мен ҳар бир оила байрамни хурсандчилик билан кутишини, фарзандларига ҳайитнинг фазилати улуғ эканини уқтиришини истайман. Ширинликлар пишириш, қўшниларга улашиш, байрам дастурхони тузаш қандай яхши! Ҳайит хурсандчилик кунидир. Бу байрам фарзандлар онгида таъзияхонлик кунларидай муҳрланиб қолмасин.

Маҳзуна: Ҳайит муборак байрам сифатида қалбимга ўрнашган. Болалигимдан ҳайит кунлари эрта саҳарданок уйимизда байрам руҳи кезарди. Отам масжидга чиқишга ҳозирлик кўрар, онам ҳаммамиз учун тайёрлаб қўйилган совгалари (кўйлак, рўмолча, пайпоқ, дўппи)ни тарқатардилар. Отам масжиддан ширинликлар – қанд-курс, ширинпахта, тешиккулча каби



БОЛАМ ЁЛҒОН СЎЗЛАЯПТИ...

Бола тарбиясига оила муҳитининг таъсири жуда катта. Фарзандлар биринчи бўлиб ота-онасининг гап-сўзи, хулқи, муомаласидан андаза олишади.

Кўчада бир аёлнинг ҳасрат билан “Болам ёлғон сўзляпти...” деганини эшитиб қолдим. Болалар рост ёки ёлғон гапиришни кимдан ўрганишади? Жавоби оддий – ота-онасидан.

Абдулқодир Гилоний ҳазратларининг болалик чоғларида кечган бир воқеа жуда ибратли. Макка сафарига отланган карвонда илм олиш ниятида йўлга чиққан ёш Абдулқодир ҳам бор эди. Сахрога етганларида карвон қароқчилар хужумига учрайди. Бор нарсаларини талон-тарож қилади. Қароқчилар бошлиғи Абдулқодирга яқин келиб:

- Сенинг ниманг бор? – сўрайди.
- Қирқ тиллам бор.
- Қани улар?
- Чопонимнинг этагига тикилган.

Қароқчи олдинига боланинг гапига ишонмайди. Яна сўрагач, Абдулқодир тилла тангаларини чиқариб беради. Ўзи айтмаса, қароқчилар билишмасди, аммо сафарга отланаётиб, онасига ёлғон гапирмасликка ваъда берган эди. Ўша ваъдасига содиқ иш тутди. Боланинг рост гапи тўдабошига қаттиқ таъсир қилиб, тортиб олинган молларни эгаларига қайтариб беради. Бу “хунар”идан бутунлай воз кечади.

Онасининг “Ҳеч қачон ёлғон гапирмасликка ваъда бер” деган сўзи фарзанди учун нега бунча қадрли бўлган? Чунки меҳрибон онанинг ўзи ростгўйлик қадрини англаган ва бутун ҳаётини шу асосга қурган. Нега биз бугун боламызга “ёлғон айтма” десак ҳам яна алдайверади? Чунки ўзимизнинг сўзимизда ёлғон бор. Сўраб келган одамга боламыз-

дан “Уйда йўқлар” деб айттирамиз ёки кўнғирокларга “Йўқ эдилар” деб жавоб беришини буюрамыз. Оддий юмушларда ҳам фарзандимиз кўз олдида ёлғон ишлатаверамиз.

Болалар оила ойналари. “От изини той босади”, дегани каби фарзанд ҳам ота-она изидан улғаяди. Айтганларини, қилганларини қайтаради. Вояга етиб ҳам уларнинг изидан боради. “Онасини

кўриб қизини ол” нақли ниҳоятда ўринли.

Аллоҳ таоло айтади: “**Эй мўминлар! Аллоҳдан кўрқинлар ва тўғри сўзланлар!**” (Аҳзоб, 70).

Аллоҳдан кўрққан банда рост гапиради. Фарзандларимизга яхши обод, рост гапиришни ўргатишимиз керак.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ростгўйликда хавфу хатар кўрсаларинг ҳам, рост сўзланлар, шунда нажот топасизлар. Гарчи фойда кўриб турган бўлсаларинг-да, ёлғондан сақланинглар. Чунки барибир ёлғоннинг охири вой”, деб марҳамат қилганлар (Ибн Можа).

Фарзандларимизга рост сўзлашни, чиройли одобни мерос қилайлик.

ажойиб нарсалар олиб қайтардилар. Мен ҳамон ўша байрамларни соғинаман... Оиламда ҳам бундай анъаналарни давом эттиряпман. Улғайгач, болажонларим ҳам ҳайит билан боғлиқ гўзал одатларни эслаб юришсин дейман.

Кўриниб турибди, барча суҳбатдошларимиз ҳайитни кўтаринки, яхши кайфиятда, шод-хуррам ўтказиш тарафдори. Улар ҳайит куни ҳамма-ҳаммага чинакам қувонч ишташади. Байрамни чиройли ўтказиш албатта ўзимизга боғлиқ. Гўзал, самимий одатларимизни менсимай, беҳуда ишларга уринмайлик. Оддийликда улуғворлик бор. Байрамимиз бидъатлардан холи бўлсин, азизлар...

Қўшсаҳифани

Зебунисо ҲУСАЙН қизи тайёрлади.

Меҳру оқибатни баланд байроқ қил...

ЭЙ ДИЛ...

1

Бу фоний дунёда қасдни фано қил,
агар бир уй бузсанг, юз уй бино қил.

Олам сенга Аллоҳ инъоми эрур,
Аллоҳ инъомининг шукрин адо қил.

Ҳар неки ўзингга раво кўрибсан,
дўсту ёру қўшнингга ҳам раво кўр.

Гар наво тиласа кўнглинг, эл аро
Қуръони каримни ўқиб наво қил.

Беҳаё кўзига тик қара, лекин
беҳаё ишлардан ўзинг ҳаё қил.

Гар етса кимсага сендан бир зиён,
бас, унга фойдани чандон ато қил.

Магар дўст дардига йўқдир малҳаминг,
малҳаминг сўз бўлсин, сўздан даво қил.

Фарзандлар камолин истасанг, эй дил,
дуо қил, дуо қил, тинмай дуо қил.

Юкунма Тангридан ўзга ҳеч кимга,
қаддинг сарв бўлса ҳам, Аллоҳга ё қил.



2

Агар бир гул узсанг, ўрнида боғ қил,
чоғ қилсанг, ғарибнинг кўнглини чоғ қил.

Гуноҳинг гар кичик бир қабр бўлса,
савобингни осмонўпар чўнг тоғ қил.

Кимман, деб, дунёга нега келдим, деб
тергаб тур ўзингни, тез-тез сўроқ қил.

Эл учун меҳрингни ухлатма ҳаргиз,
ёв учун қаҳрингни доим уйғоқ қил.

Раҳмонни ўзингга яқин тут мудом,
шайтонни ўзингдан буткул йироқ қил.

Билмай бир гадога етказсанг озор,
юз гадони бой қил, кўнглини чоғ қил.

Ишқу муҳаббатдан либос кий, эй дил,
меҳру оқибатни баланд байроқ қил...

* * *

Ким у инсонларнинг ярамаслари,
бедаво, тузалмас сарамаслари?

Улар ҳасадчилар, чақимчилардир,
улар фиққ ўтини ёқувчилардир.

Улар сир йўқ жойдан сир қидирарлар,
тирноғинг остидан кир қидирарлар.

Гап пойлаб изғирлар, санғиб-кезарлар,
низо чиқарарлар, ора бузарлар...

ЖАННАТГА ЙЎЛ ёхуд ИШОНЧЛИ АРҚОН

Ким роҳат боғига ўзин қистамас,
жаннатга етмоқни ким ҳам истамас?

Жаннат осмонда деб кўрқма, эй банда,
бас илм олишни қилмасанг канда.

Адо этган ҳар бир гўзал амалинг
оёғинг остида бўлгай тамалинг.

Қолаверса, сенга бўлсин деб осон
Тангрим туширгандир Ишончли арқон.

Ихлос ила унга осилсанг, етар,
унинг ўзи сени жаннатга элтар...



Одатда тарозининг бир палласи босиб кетса, иккинчи палласи юқорига сакрайди. Маънавият оламида ҳам шундай. Масалан, инсонда имон сусайса, залолат зўрлик қилади, маърифат кам бўлса, жаҳолат кучаяди...

Тана асли тупроқдан. Гуноҳ ва шаҳватга мойил. Руҳ ҳамиша нурга интилади. Тана талаби ғолиб бўлса, руҳиятники сусаяди, қалбни зулмат қоплайди. Руҳият юксалса, қалб нурга тўлади, тананинг беҳуда талаблари жиловланади.

даланади. Бир киши Аллоҳ берган умрни хайрли ишлар билан безаса, бошқаси уни шаҳват ва маъсиятлар йўлида совуради. Уларнинг ташқи қиёфасига қараб баҳо бериб бўлмайди. Зеро, Мавлоно айтганларидай, шўр ва чучук сув зоҳиран соф, тоза кўринса-да, уларнинг таъми татиб кўрилганидагина маълум бўлади.

Қалб ободлиги тақво ва риёзат биландир. Агар қалбда Аллоҳнинг ёди кўпайса, ёмон сифатлар томири суғуриб ташланса, шайтон

ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

Ислон дини инсоннинг жисмоний ва руҳий туйғуларини уйғун ҳолга келтиради.

Аллоҳ таоло яратган махлуқлардан бир турга мансуб бўлганларнинг ташқи кўриниши бир хил, ўхшаш бўлса-да, феъл-атвори, мақсади турлича.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”ида бундай байтлар бор:

*Бир чамандин тотса-да икки ари,
Ул бири ниш, ҳам асал бўлгай бири.
Икки оху сув ичиб ўтлар еди,
Лек биридан гўнг, биридан мушк ҳиди.
Икки хил най: оши бирдир, суви бир,
Ул бири шаккар, бири бўм-бўш тақир.*

Мавлоно келтирган икки нав ари – сарик ари ва болари бир хил набототдан шира билан озикланса-да, бири заҳар келтиради, бошқаси асал. Оддий кийик билан Хўтан кийиги бир хил гиёҳ ейди, бир хил сув ичади, аммо бирининг чиқаргани ахлат, иккинчисиники хушбўй мушк бўлади. Оддий қамиш билан шакарқамиш ҳам бир тупроқдан сув ичиб-озикланади, бирининг ичи бўм-бўш, иккинчисиники шакарга тўла.

Инсонларнинг феъл-атвори ҳам турфа. Бири еган таомларининг қувватини турли разолат ва ёвузликларга сарфлайди, бошқаси эса куч-имкониятини Аллоҳ ризосини топишга, инсонларга яхшилик қилишга ишлатади. Бири Аллоҳ берган неъматлар эвазига тоат билан, яхши ишлар билан машғул бўлади, бошқаси неъматлардан гуноҳ ишларда фой-

унга киришга йўл тополмайди, чунки киришига жой қолмайди. Агар қалб Аллоҳ кўрқувидан, ёдидан холи қолса, ярамас ахлоқлар билан булганса, уни шайтон эгаллайди. Аллоҳ таоло айтади: **«Аллоҳ таоло кимни ҳидоятга йўллашни ирода этса, унинг қалбини Ислонга очиб кўяди. Кимнинг адашишини хоҳлаган бўлса, гўё осмонга чиққанида кўкраги қисилган одамдай қалбини қаттиқ қисиб, тор қилиб кўяди»** (Анъом, 125).

Мўмин киши Аллоҳ таоло розилигини топиш учун ҳамиша тоат ва умид ичида яшаши керак. «Агар барча одам жаннатга кириб, бир одамгина кирмай қолади» дейилганида, ўша менмиканман, деб кўрқиши, «Агар барча одам дўзахга тушади, бир одамгина омон қолади» дейилганида, ўша менмиканман, деб умид қилиши керак. Олимлар кўрқув ва умидни имон қушининг икки қанотига ўхшатишган.

«Чиндан ҳам Аллоҳ таоло бандалари орасида уламолар кўрқишади» (Фотир, 28). Пайгамбаримиз (алайҳиссалом): «Аллоҳни сизлардан кўра яхши танийман ва Аллоҳдан сизларга қараганда қаттиқроқ кўрқаман», деганлар (Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Аҳмад).

Хар бир нарсанинг фазилати инсонга дунё ва охиратда яхшилик, саодат келтиришига қараб белгиланади. Энг буюк саодат Аллоҳ таолога итоат ва Унинг амрларини бажариш, яхши амаллар қилиш, ёмонликлардан тийилишдандир. Бундай саодатга васила бўладиган барча нарсалар фазилатлидир.

Аҳмад МУҲАММАД

Рамазон ойида кўплаб мусулмон мамлакатлари радио ва телетармоқлари Қуръони каримни асосан буюк қори, устоз Абдулбосит Муҳаммад Абдуссамад қироатида эфирга узатишади. Унинг қироатини севувчилар Абдулбосит қорига “жаннатдан келган овоз эгаси” деб юксак баҳо беришган. Мана шу улғу зотнинг ҳаёт йўли тўғрисида журналхонларимизга маълумот беришни лозим топдик.

НОЁБ ОВОЗ ЭГАСИ



Қорилар устози, довудий овоз соҳиби Абдулбосит Муҳаммад Абдуссамад 1927 йили Миср жанубидаги Қино вилоятига қарашли Армант туманидаги Муроза қишлоғида дунёга келди. Бобоси Абдуссамад ҳам, отаси Муҳаммад Абдуссамад ҳам Қуръон ҳофизи ва тажвид билимдон

ни сифатида танилишган эди. Акалари Маҳмуд билан Абдулҳамид ҳам ҳофиз бўлишган.

Абдулбосит қори ўзи бундай эслайди: “Ўн ёшга етганимда Қуръони каримни тўлиқ ёд олиб бўлган эдим. Отам улов (транспорт) вазириликда ишлар, бобом эса олим эди. Улардан Қуръон илмларини ўрганмоқчи бўлдим, аммо улар устоз Муҳаммад Салимдан таълим олиш учун Танта музофотига боришимни айтишди.

Армант билан Танта орасидаги масофа анча узоқ эди. Йўлга чиқиш олдида Муҳаммад Салимнинг Армантга келганини билдик. Гўё тақдир у кишини бизга юборгандек эди. Ҳузурларига бориб, Қуръони каримни тўлиқ ўқиб бердим. Сўнгра етти хил қироатга доир матн “Шатбия”ни ёддан айтиб бердим”.

Абдулбосит қори ўн икки ёшида Муҳаммад Салим тавсияси билан Қино вилоятининг турли жойларида Қуръон ўқиб юрди. Қаерга бормасин, Абдулбосит қорининг ноёб истеъдоди ҳақида гап-сўз юрарди.

1950 йили Абдулбосит қори Мадинаи мунавварага борди. Бу ерга кўпроқ чорлаётган нарса машхур, тажрибали қорилардан Абдулазиз Зоҳир, Абдулфаттоҳ аш-Шошой, Мустафо Исмоилнинг савт ва қироатларини бевосита эшитиш эди...

Тун ярмидан оққанида дунёнинг турли шаҳарларидан тўп-тўп зиёратчилар “Ҳазрати Зайнаб” масжидига кела бошлашди. Абдулбоситга ҳам Қуръони каримдан ўнта оят ўқишига изн беришларини сўрашди. Абдулбосит қироати бир соатдан ортиқроқ давом

этди, у Аҳзоб сурасидан ўқирди. Масжиднинг ҳамма томонини сукунат қамраб олди ва йиғилганларнинг нигоҳи забардаст қорилар сафида ўтирган кичкина қорига қадалди. Бир оздан кейин ҳайрат ва таажжуб овозлари янгради.

1951 йили Шайх Даббо Абдулбоситга қироатини ҳаво мавжлари орқали таратиш таклифи билан мурожаат қилди. Абдулбосит овоз ёзиш уйи мутасаддилари билан шартнома тузганидан кейин оиласи билан доимий равишда Қоҳирада яшаб қолди. Унинг овози радио эфирлари орқали тарала бошлагач, янада машхур бўлиб кетди.

1952 йили, айниқса рамазон ойида Абдулбосит қорига дунёнинг турли мамлакатларидан Қуръонни хатм қилиш истаги билдирилган таклифлар кела бошлади. Таклифлар орасида қори ҳеч бўлмаганда бир мартагина ташриф буюрсин, деганлари ҳам бор эди. Чунки Қуръони карим шарофатидан Абдулбосит қори қадами етган жой Аллоҳ таолонинг файзу баракаси, шукуҳига тўлар эди.

Покистон давлати раҳбари уни Матарга таклиф қилди ва учоқдан тушар-тушмас қарши олиб, қучоқлашиб кўришди. Абдулбосит қори Индонезиянинг энг катта масжидларида ҳам Қуръон ўқиди.

Абдулбосит қори 1952 йили отаси билан бирга ҳаж қилиш учун Саудия Арабистонига борди. Ислом ватанида шайхнинг бу зиёратини Аллоҳнинг марҳамати деб билиб, ундан Қуръон хатм қилиб беришини илтимос қилишди. Абдулбосит қори бу таклифга рози бўлди ва Саудия Арабистонидаги бир қанча масжидларда Қуръон ўқиди. Шайхнинг энг машхур тиловатлари Маккада Масжидул Ҳаромда ва Мадинада Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидида бўлди.

Абдулбосит қорини ҳиндистонлик бир киши иззат-икром билан ҳинд диёрига таклиф қилди. Шайхни катта бир масжидга олиб боришди. Абдулбосит қори ўзини кутиб турган одамларга қараса, ҳаммасининг боши эгик, кўзлари ёшга тўлган эди. Шайх тило-




ватни тамомлагунича улар йиғлашда давом этишди. Абдулбосит қори ҳам бу ҳолатдан таъсирланиб кетди ва икки кўзи ёшга тўлди.

Абдулбосит Муҳаммад Абдуссамадни фақат араб ва бошқа мусулмон мамлакатларида эмас, дунёнинг шарку ғарби, шимолу жанубида бирдай эъюзлашган. Унинг Париж, Лондон, Қуддусда қилган қироатларини эшитиб, лол қолган бир қанча ғайримуслимлар Исломни қабул қилиш истагини билдиришган. Шайх кўпгина давлатлар, хусусан, Сурия, Ливан, Сенегал давлатлари мукофоти билан тақдирланган.

Тақдир экан, Абдулбосит қори қандли диабет касалига чалинган, жигари ҳам рисоладагидай ишламас эди. Кўп йиллар бу икки жиддий хасталикка бардош беришига тўғри келди. Ниҳоят, уни Мисрнинг Ғазо шаҳридаги доктор Бадрон шифохонасига ётқизишди. Аммо шифокорлар ва Шайхнинг фарзандлари унинг саломатлиги тобора заифлашиб бораётгани учун Лондонга олиб боришга қарор қилишди. У Лондонда бир ҳафта даволанди. Аммо умри поёнига етаётганини билгандек, ўзи билан бирга келган ўғли Торикқа Мисрга қайтариб олиб кетишини айтди.

Абдулбосит қори 1988 йилнинг 30 ноябр чоршанба куни вафот этди. Аллоҳ таоло у кишининг руҳини сурурга, қабрини нурга тўлдирсин, жаннатдаги мақомини олий қилсин!

Алимардон ҲАЙИТОВ



Онамнинг тадбири

Ҳомиладорликнинг дастлабки ойлари эди. Овқат тайёрлашга қийналардим. Қариндошларимиз узоқда, ёрдам сўрай десам, қўшнилари ҳали танимаيمان. Бир куни кечки пайт димоғимга таомнинг ширин иси урилди. Ҳид қўшни уйдан келаётган эди. Ўша овқатдан шундай егим келди... лекин сўрашга иймандим. Ўзимни чалғитишга қанча уринмай, хаёлимдан қўшнининг овқати кетмай қолди. Шунда онамнинг тадбирлари эсимга тушди...

Ўшанда онам укамга юкли эдилар. Ён қўшнимиз уйдан тандирдан янги узилган нон иси келар, онам девор тагига бориб энтикиб-энтикиб ҳидлар эдилар. Кейин уйдан иккита нон олиб чиқдиларда, менга тутқазиб: “Қизим, шуни Ҳанифа холангга опчиқ, битта иссиқ нонга алмаштириб берсин”, дедилар. Қўшнимизникига кириб, Ҳанифа холага онамнинг илтимосларини айтдим. Хола аҳволни тушунди, ҳалиям тортиниб турганимни кўриб: “Нега хижолат бўласан, қизим, бундан ортиқ савоб борми?” дея қўлимдаги нонларнинг устига бири пиёзли, бири оддий тандир нонини қўйиб берди. Шу-шу, Ҳанифа хола бизникига то укам туғилгунича ҳафтада икки марта иккита иссиқ нон чиқаришни қанда қилмади. Онам тандир нонни маза қилиб ерканлар, ҳар гал Ҳанифа холани дуо қилардилар...

Охири, ўзим тайёрлаган овқатдан идишга солиб, уларга олиб чиқдим. Қўшни аёл идишимга егим келган овқатдан солиб қайтарди. Шундай роҳатланиб едим... Қўшни аёл ҳақиқа дуолар қилдим.

МАҲҒУЗА,

Наманган

Худо беради

Бир йил давомида тинимсиз ўқиб-ўрганиши самарасини кўрсатди — Оқила кириш имти-

ҳонларини яхши топширди. Синнов натижаларидан қизнинг кўнгли тўқ эди. Лекин ўқинишга шартнома асосида қабул қилинса-чи? Унда нима бўлади? Оилавий шароитлари кўтармаслиги аниқ. Беш фарзандни тикувчилик билан боқаётган онаси шартнома пулини қаердан топиб беради? Акасининг топгани ҳам рўзғордан ортмайди. Оқиланинг эса илм олишга иштиёқи кучли. “Майли, нима бўлса, пешонамдан...”, дея қиз онасининг сўзларини кўнглидан ўтказди: “Сўраганга Худо беради...”

Натижалар маълум бўладиган кун ҳам етиб келди. Бу ҳолатни фақат бошига тушганларгина ҳис қилиши мумкин. Бир олам ҳаяжон ва орзиқиш...



Оқила текширишни рўйхат охиридан бошлади. Мана, тегишли рақамларни топди: 448477... Шартнома бўйича қабул қилинганлар рўйхати бошида турган бу рақамлар чиндан ҳам Оқиланики эди. Кўзига дунё тор кўриниб кетди: “Онамга нима дейман?..”

Онаси эса, бу хабарни эшитиб, хотиржам яна ўша сўзларини такрорлади: “Ҳаммаси Худодан...”

Оқила талаба бўлди. Илм олишга қаттиқ бел боғлади, вақт топиб ишлади ҳам. Ўша йилиёқ оилаларига барака кириб, даромадлари кўпайди. Деҳқончиликдан яхшигина фойда кўришди. Укаси оддий ишчи эди. Тил билгани учун директорга ёрдамчи бўлди. Учинчи курсда ўқиш ва жамоат ишларида фаоллиги туфайли Оқиланинг шартнома пулини яхшиликпарвар бир жамғарма тўлайдиган бўлди.

Оқила хушxabарни айтиб онасини севинтиришга шошар, тилу дилида бир ҳикматни такрорлар эди: “Сўраганга Худо беради...”

ШАРИФА,

Анджсон



Эркин МАЛИК

СЎЗГА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Аҳмад Насиб ўғли насиҳатлари

Сухбат

Чойхонада ўч-тўрт шинаванда йигит ҳаддилари сиғиб отага гап қотишди:

– Сизам ҳаётингизда афсусланарли (“гуноҳ” дейишолмади) ишлар қилганмисиз, ота?

Ота ярқ этиб уларга қаради. Хонаси келди, энди қўлимга тушдиларинг, деб қўйди ичларида.

– Ҳа, бўган, болаларим, бўган, – деб афсус билан бош чайқадилар.

– Айтса бўладими, ё... – деб қаҳ-қаҳ отиб кулишди йигитлар.

– Бўлади, сизларга айтсам бўлади, – деб ота сал сўлиш олдилар. Йигитлар “ота ҳам фаришта эмаслар” дегандек бир-бирларига қарашарди.

– Ушанда, – деб гап бошладилар ота, – қаттиқ қиш эди. Қор қалин тушган, уч кундан бери йўллар очилмай ётарди. Қўшни қишлоққа бориш зарур бўлиб қолди.

– Ҳа, келин бувимиз ўшақданмилар?

Ота ёшлар нимага шама қилишаётганини тушуниб, сўзида давом этди:

– Қўшнинг улоққа чопадиган оти бор эди. Сўрасам, чигили ёзилади деб дарровда берақолди. Оти зўр эди, воҳ... Зулукка

ўшарди. Қоп-қора, ятиллайди, жонивор. Бирам йўрға... Ҳаш-паш дегунча манзилга етиб олдим. Қишлоққа кираверишда бир оқсоқол отимга ҳавас билан қараб турганига кўзим тушди.



Отнинг юришига маст бўлиб, ўзимни чавандоз санаб, оқсоқолга салом бермай ўтиб кетибман. Анча нарига ўтгач, билиб қолдим.

– Ана холос, ҳойнаҳой, у киши бўлажак қайнотангиз бўлса керак?..

Ота кулиб қўйдилар. – Ортага қайтиб, салом берай деб қарасам, оқсоқол йўқ. Яхши улов шунақа, одамни эсанкиратиб қўяди...

– Кейин нима бўлди, кейин? – Йигитларнинг хаёли бошқа ёқда эди.

– Орадан йиллар ўтиб, Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) отлиқ одам пиёдага салом бериши керак деган мазмундаги ҳадисларини ўқиб, ўша дардим қайта янгиланди.

– Ҳе-е, – деди йигитлардан бири, – ҳозир от минишларам йўқ, бунақа тавба қилишларам...

– Унақамас-да, – дедилар ота жилмайиб, – миниб юрган машиналаринг от бўлмай, нима ахир? Ҳеч бўлмаса, кексаларга салом берсаларинг, асакаларинг кетадими... Ҳам кўчаларда секинроқ юрасизлар... барака топгурлар...

Шу суҳбатдан кейин енгил машинаси бор ёшлар ўзларини анча йиғиштириб олишди. Кўчалар камроқ чангийдиган бўлди. Йигитларнинг таниган-танимаганга салом беришлари-чи...

Сўзга эҳтиёт бўлинг

Бир йигит янги “ЖИП” машинаси олган экан. Ҳожи ота икковимизни дам олиш уйига ташлаб қўйди.

– Энди маза қилиб йигирма-ўттиз йил таъмирсиз минаверасиз, янгиси янги-да, муборак бўлсин, – дедим машина эгасига миннатдорлик билдириб.

– Машинани узоқ минмай-

ман, – деди йигит тўғриси айтиб, – харидор чиқса, сотиб, яна янгисини олавераман.

– Сўзга эҳтиёт бўлиш керак, ўғлим. Оиламга, ота-онамга хизмат қилдираман десангиз тўғри бўлади, – дедилар ҳожи ота. Йигит хушёр тортиб, “шунақами” деган маънода отага миннатдор қараб қўйди.

“А”ни чўзманг

– Бир-биримиздан ўрганайлик, – дедилар ҳожи ота намоздан кейин ҳазиллашган каби елкамга туртиб. Демак, бир хатога йўл қўйдим-ов, очиқ айтишга истиҳола қилиптилар.

У киши мақсадга ўтақолмай, яна кўшимча қилдилар: – Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқалар камчилигини айтганида хурсанд бўладиган одам яхши одам, деганлар. Мўмин мўминнинг ойнаси-да, а, нима дедингиз?

– Айтовринг, амалимиз қанча мукамал бўлса, шунча яхши, – дедим эҳтиёткорликларига тан бериб. Қани энди ҳамма ҳам камчиликларни тузатишда шунақа ҳалим бўлса.

– “Аллоҳу акбар” деганингизда “а”ни иккита қилиб чўзманг. “Аллоҳу акбар” дегани “Аллоҳ улуг” деганидир.

Отанинг юзларидан самимият ёғилиб турарди.

Эсноқ

– Биламан, аксириш Аллоҳдан, эснаш шайтондан. Қурғур шайтон баъзида роса хуруж қилади-да. Нима қилишни ҳам билмай қолсан киши, – дедим отага.

– Йўли осон, – дедилар ота ишонч билан, “Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳечам эснамаганлар”, деб дилингиздан ўтказсангиз, бас, эсноқ дарров тўхтайд.